# Ўзбекистон овози

Газетага 1918 йил 21 июнда асос солинган

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНИНГ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

● Газета: «Иштирокиюн» (1918 — 1920). «Қизил байроқ» (1920 — 1923 й.). «Туркистон» (1923—1924 й). «Қизил Ўзбекистон» (1924—1964 й). «Совет Ўзбекистони» (1964—1991 й.) номи билан чоп этилган, ҳозир «Ўзбекистон овози» (1991 йил 1 сентябрдан) номи билан чиқмоқда.

№ 153 (21. 252) 1992 йил 5 август, чоршанба

ОБУНАЧИГА — 1 СЎМ 50 ТИЙИН
СОТУВДА — КЕЛИШИЛГАН НАРХДА


1 СЕНТЯБРЬ · ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ МУСТАҚИЛЛИК КУНИ

### МУСТАҚИЛЛИК ЖАМҒАРМАСИГА

**Ўзбекистон истиқлолининг бир йиллиги арафасида республикамизда Мустақиллик жамғармаси ташкил этилди.**

Хамир учидан патир деганларидек, жамғармага шу кунгача 380 минг сўм тушди, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 50 минг сўм, Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолият миллий банки 275 минг сўм, республика акцияли тижорат саноат-қурилиш банкининг Тошкент шаҳар бўлими 50 минг сўм ўтказди.

**Бу хайрли ишда ҳамма имконият қадар иштирок этади, деган умиддамиз.**

(ЎзА).

## ШАКАР ВА ЧАРМ ТАЙЁРЛАШ ЗАВОДИ ҚУРИЛАДИ

**● ИШТИХОНЛИКЛАР Хитой ишбилармонлари билан ҳамкорлик асосида шакар ишлаб чиқариш заводини қуриш бўйича шартнома имзолашган.**

Ҳозир Хитойдан янги завод учун зарур ускуна ва механизмлар кутилмоқда. Шунингдек, Иштихонда Туркия билан ҳамкорликда маҳаллий хом ашёдан чарм тайёрлайдиган завод ҳам ишга туширилади. Ҳозир заводнинг биноси тикланган. Хом ашёни қўшни Пайариқ ва Каттақўрғон районларидан олиб келиш мўлжалланмоқда. Темир-бетон конструкциялари ишлаб чиқариш майдонида эса оҳак пишириш цехи ишга туширилди.

Ў. САИДОВ.

### ВАЗ АВТОМОБИЛЛАРИ НАРХИ ЯНА ОШИРИЛДИ

«Жигули» автомобилларининг нархи жуда тез ошиб бормоқда. Волжск автомобиль заводи ўз маҳсулотларининг нархини оширганидан сўнг орадан ўч ой ўтар-ўтмас бу нархларни яна кўтарганини эълон қилди. РАТА — ТАСС агентлигининг хабар қилишича энди «жигули»нинг энг арзони, яъни «ВАЗ-21051» 370 минг сўм туради. «ВАЗ-1099» моделининг нархи эса 820 минг сўмга чиқди.

Волжск автозаводининг бошқа машиналари ҳам ўртача 40-50 фоиз қимматлашди.

(ЎзА).

## • Мустақиллик—менинг ифтихорим •

**Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов Олий Кенгашнинг ўнинчи сессиясида сўзлаган нутқида шундай деган эди: «Ватан учун жонини жаббборга бериб ишлайдиган фидойи кишиларсиз Ўзбекистон келажагини тасаввур этиб бўлмайди. Улар деҳқонлар орасида ҳам, ишчилар орасида ҳам, зиёлилар орасида ҳам жуда кўплаб учрайди. Бундай инсонлар бақириқ-чақириқ, қуруқ даъватлар билан эмас, балки ҳақиқий бунёдкорлик билан машғул». Ислом Абдуғаниевич айтганидек, янги тарихимизнинг бундай ижодкорларини ҳар қанча дуо қилсак, уларнинг номларини ҳар қанча улуғласак арзийди. Шу мақсадда «Ўзбекистон овози» газетаси редакцияси «МУСТАҚИЛЛИК — МЕНИНГ ИФТИХОРИМ» шиори остида энг яхши суратлар учун танлов эълон қилади. Биз унга барча профессионал ҳамда ҳаваскор сураткашларни таклиф қиламиз.**

*

**● Тошкент. Шаҳардаги Бош қурилиш бошқармасига қарашли тиббий-санитар бўлими дорихонасининг бошлиғи Тўхтамурод ака Орифжоновни ишда ҳам, уйда ҳам ҳамма ҳурмат қилади.**

**Мана, 40 йилдан ошдики, Тўхтамурод ака соғлиқни сақлаш соҳасида ишлаб келаётир. У қаерда ишламасин меҳнатсеварлиги, жонкуярлиги билан ўзини кўрсатди. «Главташкентстрой»нинг кўп тармоқли тиббий-санитар бўлими шаҳардаги энг яхши тиббиёт даргоҳларидан бири саналади. Бунда Тўхтамурод аканинг ҳам анча хизматлари синган.**

**Тошкент тиббиёт техникумини тугатиб, у Сеченов номидаги Москва тиббиёт институтига ўқишга кирди. Бироқ отасининг ўлими туфайли у Тошкентга қайтиб келиб, оилани бошқаришга мажбур бўлди. Тўхтамурод ака ҳозир пиру бадавлат — беш қиз ва бир ўғилнинг отаси, 13 невараниг бобосидир.**

**Яқинда Тўхтамурод ака 60 ёшга тўлди. Тўхтамурод аканинг хонадонига унинг қариндошлари, касбдошлари 60 ёшини қутлаш учун йиғилдилар.**

**СУРАТДА: хонадон соҳибининг туғилган куни шундай нишонланди.**

**Р. ШАГАЕВ олган сурат (ЎзА).**

## ШАРОФ РАШИДОВ ТАВАЛЛУДИНИНГ 75 ЙИЛЛИГИНИ ЎТКАЗИШ КОМИССИЯСИДА

**●Илгари хабар қилинганидек, Ўзбекистон Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасида ўзбек халқининг асл фарзанди, таниқли давлат ва жамоат арбоби Шароф Рашидов туғилган куннинг 75 йиллигини тайёрлаш ва ўтказиш бўйича ҳукумат комиссиясининг мажлиси бўлиб ўтди.**

Мажлисни комиссия раиси Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари И. Ҳ. Жўрабеков бошқарди. Унда Тошкент шаҳар ҳамда Жиззах вилояти ҳокимликларида Ш. Рашидов таваллудига тайёргарликнинг бориши тўғрисида Тошкент шаҳар ҳокими А. Фозилбеков ва Жиззах вилояти ҳокимининг ўринбосари Ў. Олимов ахборот бердилар.

Мажлисда комиссия номига келаётган таклифлар ва хатлар ҳақида, оммавий ахборот воситаларида юбилейга бағишлаб берилаётган материаллар тўғрисида ҳам тўхталиб ўтилди.

Комиссия аъзолари ва йиғилганлар Шароф Рашидов номини халқ хотирасидан ўчириш мақсадида 1986 йилда чиқарилган қарорнинг бекор қилинишини якдиллик билан маъқулладилар.

Комиссияда қайд этилганидек, Шароф Рашидов таваллудининг 75 йиллигини ўтказиш тўғрисида қабул қилинган қарор кўпчиликка маъқул бўлди. Ишчилар, колхозчилар, совхоз ишчилари, зиёлилар, олимлар, ёзувчилар ана шу қарорни қўллаб-қувватлаб юбилей комиссияси номига кўплаб таклифлар, хатлар, фикр-мулоҳазалар юбормоқдалар.

Оммавий ахборот воситаларида Шароф Рашидов ҳақиқатан ҳам Ўзбекистоннинг деярли чорак асрлик ижтимоий-сиёсий тараққиётига, маданий юксалишига улкан ҳисса қўшган шахс эканини кўрсатувчи кўплаб материаллар берила бошланди. Унинг миллий кадрларни тарбиялаб етиштиришга, Ўзбекистонда илм-фаннинг ривожланишига салмоқли улуш қўшгани алоҳида таъкидланди.

Шароф Рашидов даврида республикамизда замонавий шаҳарлар вужудга келди, пойтахт Тошкент деярли қайтадан қурилди, қишлоқларимиз қиёфаси тубдан ўзгарди. Шароф Рашидов ташаббуси билан республикада жуда катта қурилишлар амалга оширилди. Ўрта Осиё ва Қозоғистонда биринчи бўлиб қурилган Тошкент метрополитени Шароф Рашидовнинг зўр ҳаракати туфайли дунёга келди. Тоталитар тузум шароитида шундай ишларни рўёбга чиқариш осон бўлмагани бугунги кунда равшандир.

Комиссияда таъкидлаб ўтилганидек, иш бошланганига бир ярим ойдан кўпроқ вақт ўтганига қарамай, айрим жойларда белгиланган тадбирларни амалда бажаришга ҳанузгача киришилмаган. Ҳамма жойда ҳам олиб борилаётган ишларни қониқарли деб бўлмайди.

Комиссияда, шунингдек, Шароф Рашидов музейини ташкил этиш, у дастлаб дафн этилган жойда, Самарқанд университети ва Жиззах шаҳрида унинг бюстларини ўрнатиш, олий ўқув юртларида Шароф Рашидов номли мукофот таъсис этиш, Шароф Рашидов жамғарма фондини ташкил этиш, районлар, колхозлар, совхозлар, корхоналар, ташкилотлар, қишлоқлар, кўчаларга Ш. Рашидов номини беришни тартибга солиш ва бу ишда шошма-шошарликка йўл қўймаслик масалалари кўриб чиқилди. Ш. Рашидов номи республика юбилей комиссияси рухсати билан қўйилиши алоҳида таъкидланди.

Мажлисда Шароф Рашидов жамғарма фонди устави маъқулланди. Шароф Рашидов ҳақида ҳаққоний ва объектив ҳужжатли ва бадиий-публицистик фильмлар яратилиши юзасидан тегишли кўрсатмалар берилди.

Юбилей комиссияси мажлисида вазирликлар ва идораларнинг раҳбарлари, фан, маданият, адабиёт ва санъат арбоблари, оммавий ахборот воситаларининг вакиллари иштирок этдилар.

## ЭЛЧИ ЖУРНАЛИСТЛАР БИЛАН УЧРАШДИ

Ўзбекистон Республикасининг Россия Федерациясидаги элчихонаси очилганига ҳали бир ой ҳам бўлгани йўқ, шунга қарамай у Москва шаҳри дипломатия ва жамоатчилик доирасида катта қизиқиш уйғотмоқда.

Мустақил Ўзбекистоннинг биринчи элчиси Ю. Н. Абдуллаев билан Австралия, Перу, Эрон, Афғонистон, Сенегал, Финляндия, Кипрнинг Россия Федерациясидаги дипломатия ваколатхоналари бошлиқлари ўртасида икки томонлама алоқалар ва давлатлараро муносабатларга доир дастлабки учрашув ва суҳбатлар бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси элчихонасида шу қисқа вақт ичида Япония, АҚШ, Туркия, Покистон, Швейцария ҳамда республикамиз билан савдо-иқтисодий шериклик ўрнатиш ва ривожлантиришдан манфаатдор бошқа давлатларнинг ишбилармон кишиларидан иборат гуруҳлар бўлдилар.

Москва оммавий ахборот воситалари элчихонамиз фаолиятига катта қизиқиш билан қарамоқда. Шу йил 30 июль куни Ўзбекистон Республикаси элчихонасида маҳаллий журналистлар билан дастлабки учрашув бўлиб ўтди. Унда Россия Федерацияси барча етакчи нашрларининг вакиллари қатнашди.

Учрашув қатнашчиларига Ўзбекистон ташқи сиёсатининг асосий принциплари баён қилиб берилди, республика раҳбариятининг фуқаролар осойишталигини таъминлаш, бозор муносабатларига ўтиш, демократия ва ошкораликни ривожлантириш борасидаги йўли тушунтирилди.

Хайриҳоҳлик ва амалий вазиятда ўтган бу учрашув Россия оммавий ахборот воситалари Ўзбекистон Республикасига қизиқиш билан қараётгани, уларда Ўзбекистондаги ҳақиқий аҳвол тўғрисидаги маълумотлар етарли эмаслигини кўрсатди.

**Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг маълумотномасидан.**

## • ПАРТИЯ АХБОРОТИ •

# ЭЪТИҚОД

**● Хоразм вилоятида Ўзбекистон ХДП аъзоларига партия билетларини топшириш давом этяпти.**

Яқинда вилоятдаги барча шаҳар ва районлардан юзга яқин партия ва меҳнат фахрийлари, ХДП сафига янги кирган ёшларнинг вакиллари Урганч шаҳар партия кенгаши жойлашган бинога тўпландилар. Бу ерда уларга ХДПга аъзолик билети топшириш маросими бўлди.

ХДП вилоят кенгашининг биринчи котиби Ғ. Машарипов маросимни очаётиб вилоят партия ташкилоти фаолияти ҳақида қисқача тўхталди.

— Партиямизнинг эл ўртасида обрў-эътибори тобора ошиб бормоқда, — деди у. — Буни вилоят партия ташкилоти сафи кенгайиб бораётганлигидан ҳам кўриш мумкин. Ҳозир сафимизда 29,1 минг маслакдош бирлашган. Ўтган июнь ойининг ўзида 1066 киши ўз тақдирини партия билан боғлади. Партиямизнинг эл-юртга ғамхўрлик қилишдан, меҳнат аҳлини ҳар қандай шароитда ҳам ижтимоий-сиёсий ҳимоялашдан бошқа мақсади йўқ.

Шундан сўнг у йиғилганларга партиянинг энг муҳим ҳужжати — аъзолик билетини топширди. Вилоят ҳокими М. Жуманиёзов ҳам шулар қаторида янги билет оларкан шундай деди:

— Бу ҳужжат зиммамизга янада катта масъулият юклайди. Биз ХДП аъзоси эканлигимизни сўзда эмас, амалда, эл-юртимизга янада кўпроқ хизмат қилиш билан исботлашимиз лозим. ХДПнинг нуфузи тобора ошиб боряпти. Вилоят ҳокимияти партия кенгаши билан ўзаро маслаҳатлашиб, ҳамкорликда ишламоқда.

— Мен 1940 йилдан бери партия аъзосиман, — деди партия билетини олган меҳнат ва партия фахрийси Болта ота Давлатов. — Ёшим 80 дан анча ошиб қолганига қарамай, умримнинг қолган қисмини ХДП билан боғлашга қарор қилдим. Бу партия халққа ғоят ғамхўр ва меҳрибон эканлигини амалда намойиш қилмоқда. Мен қўлимдан келганча унга ёрдам бераман.

Партия билети олган С. Оллоберганов, С. Нурматов, П. Фролов, О. Худойберганова ва бошқа меҳнат, уруш фахрийлари ҳам шундай миннатдорчилик ҳамда юрак сўзларини изҳор этишди.

Шу куни Боғот районидаги Наримонов номли Гурлан районидаги «Коммуна» жамоа хўжаликларининг илғор бригада бошлиқлари Ҳ. Саидов, Т. Маткаримова, «Қалдирғоч» ашула ва рақс ансамбли бадиий раҳбари, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Ш. Файзуллаев, вилоят механика устахонаси ишчиси Х. Хаитов, Хонқа районидаги Ал-Хоразмий номли давлат хўжалиги директори М. Собиров ва бошқалар ҳам ўз қишлоқларига ХДП аъзолик билетларини олган ҳолда ҳушнуд бўлиб қайтишди.

Вилоят партия ташкилотларида партия аъзоларига билетлар топшириш давом этяпти.

**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

## • Луқма

**Газетамизнинг шу йил 30 апрель сонида «Шифохона эмас, шовқинхона» сарлавҳали мақола эълон қилинган бўлиб, унда Олой бозори биқинида жойлашган республика нейрохирургия шифохонасида даволанаётган беморлар машиналар шовқинидан қийналишаётгани ёзилганди.**

**Таҳририят мақоладаги танқидий фикрларни текшириб, чора кўриш учун Тошкент шаҳар Давлат автомобиль назорати бошқармасига юборган эди. У ердан қуйидаги мазмунда жавоб келди:**

«Тошкент шаҳар Давлат автомобиль назорати бошқармаси мақолани кўриб чиқиб маълум қилади:

Ҳозирги вақтда Каблуков кўчаси бўйлаб транспорт воситаларининг ҳаракатини камайтириш мақсадида қуйидаги ишлар қилинган:

Кўча бўйлаб бир томонлама ҳаракат ташкил этилган.

Амир Темур кўчасидан Каблуков кўчасига ўнг томондан бурилиш таъқиқланган.

Республика нейрохирургия шифохонаси олдида транспорт воситаларининг тўхташи ва тўхтаб туриши таъқиқланган.

Айни пайтда Каблуков кўчасидан ўтадиган машиналарнинг сонини кескин камайтириш учун А. Қодирий кўчасини Пушкин кўчаси билан туташтириш ишлари олиб борилмоқда.

1992 йилнинг июль ойидан Каблуков кўчасига Амир Темур кўчасидан транспорт воситаларининг ҳаракати тўхтатилади».

# ЭҲТИЁТ БЎЛИНГ: ЁЛҒОН ЖАВОБ

Жавобни олгач, беморлар ҳақида ғамхўрлик қилиниб-ди, энди улар шовқин-сурондан ҳоли, тинчгина даволанишадиган бўлибди-да, деб суюндик. Аммо куни кеча шифохона олдида бўлганимизда, очиғи қаттиқ ранжидик. Сабаби — бошқарма бошлиғи А. Эркабоев айтганидек, Амир Темур кўчасидан машиналарнинг бурилиши тўхатилмаган.

Енгил ва юк машиналари сигналларини баралла қўйиб, Каблуков кўчасига турнақатор бўлиб бурилиб ётибди. Шифохона атрофидаги йўлнинг икки томонида бозорга келиб-кетувчиларнинг транспорт воситалари тўлиб кетган. Бақириқ-чақириқ, турли оҳангдаги сигналлар тўхтовсиз янграмоқда. Хуллас, аҳвол илгаригидан заррача ўзгармаган.

Муаммони чуқур ўрганиб, имкони борича ҳал қилиш ўрнига ёлғон жавоб йўллаш Давлат автомобиль назорати раҳбарлари учун нимага зарур бўлди экан?

К. РИҲСИЕВ.

# Диққат: 1993 йил учун обуна бошланди

**Ўзбекистон Республикаси Алоқа вазирлиги Матбуот тарқатиш марказидан хабар қилишларича, 1 августдан бошлаб барча почта бўлимлари, матбуот тарқатиш тармоқларида «Ўзбекистон овози» газетаси учун 1993 йилга обуна қабул қилинмоқда.**

**Газетанинг нашр кўрсаткичи: 64583.**

**ОБУНА БАҲОСИ: БИР ЙИЛГА 384 СЎМ, 6 ОЙГА — 192 СЎМ, 3 ОЙГА — 96 СЎМ.**

Синчков ўқувчи кўриб турибди: газета чакана сотувга жуда оз миқдорда чиқарилмоқда. «Ўзбекистон овози»ни мунтазам олиб туришнинг ягона йўли унга барвақт обуна бўлишдир.

Ф СП—1

Алоқа вазирлиги «Матбуот уюшмаси»

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» (нашр номи) 64583 (нашр кўрсаткичи)

рўзномасига ОБУНА

обуна сони

1993 йил учун (ойлар бўйича)

| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 | 9 | 10 | 11 | 12 |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | | | | | | | |

Қаерга

(почта кўрсаткичи) (манзил)

Қимга

(насаби; исми ва отаси исмининг бош ҳарфлари)

РЎЗНОМАНИ ЕТКАЗИШ ВАРАҚЧАСИ

п.в. жойи 64583 (нашр кўрсаткичи)

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»

(нашр номи)

| обуна | баҳоси | сўм | обуна сони |
|---|---|---|---|
| янги манзилга юбориш | баҳоси | сўм | |

1993 йил учун (ойлар бўйича)

| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 | 9 | 10 | 11 | 12 |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | | | | | | | |

Қаерга

(почта кўрсаткичи) (манзил)

Кимга

(насаби; исми ва отаси исмининг бош ҳарфлари)

*Ўзбекистон Республикасининг Қонуни*

# «ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ЧЕТ ЭЛ ИНВЕСТИЦИЯЛАРИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНИГА ЎЗГАРТИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ ҲАҚИДА

«Ўзбекистон Республикасида чет эл инвестициялари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши 1991 йил 14 июнда қабул қилган Ўзбекистон Республикаси Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ахборотномаси, 1991 йил, 8-сон, 184-модда) қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1. Кириш қисмида «иқтисодий» деган сўз чиқариб ташлансин.

2. 1-моддада:

олтинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«чет элдаги доимий яшайдиган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари чет эллик инвесторлар бўлишлари мумкин».

3. 3-моддада:

иккинчи хатбоши «корхоналар» деган сўздан кейин «ва» боғловчиси ўрнига «банклар, суғурта компаниялари ва бошқа» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

бешинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«мустақил равишда ёки юридик ва жисмоний шахслар иштирокида мулкий ҳуқуқларни, шу жумладан ердан ва табиий ресурслардан фойдаланиш, шунингдек ижара асосида фойдаланиш ҳуқуқларини сотиб олиш йўли билан инвестицияларни амалга оширишлари мумкин».

4. 5-модда қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

**«5-модда. Чет эл инвестицияларининг ҳуқуқий режими**

«Ўзбекистон Республикасида чет эл инвестициялари давлат-ҳуқуқий ҳимояси билан таъминланадилар. Чет эл инвестицияларининг ҳуқуқий режими Ўзбекистон Республикасининг шунга ўхшаш корхоналари, ташкилотлари ва фуқаролари учун белгиланган тегишли режимга қараганда ноқулай бўлиши мумкин эмас.

Иқтисодиётнинг нуфузли тармоқларига йўлланадиган чет эл инвестициялари учун Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси қўшимча имтиёзлар белгилаши мумкин».

5. 6-моддада:

иккинчи қисм қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ лицензия олиш керак бўлган фаолият турлари билан шуғулланиш учун чет эллик инвестор Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси белгилаб берадиган тартибда лицензия олиши шарт».

6. 7-модда чиқариб ташлансин, моддаларнинг тартиб рақами ҳам шунга мувофиқ ўзгартирилсин: 8, 9, 10, 11, 12, 13, 14, 15, 16, 17, 18, 19, 20, 21, 22, 23, 24, 25, 26, 27, 28, 29, 30, 31, 32, 33, 34, 35, 36, 37, 38, 39, 40 ва 41-моддалар тегишинча 7, 8, 9, 10, 11, 12, 13, 14, 15, 16, 17, 18, 19, 20, 21, 22, 23, 24, 25, 26, 27, 28, 29, 30, 31, 32, 33, 34, 35, 36, 37, 38, 39 ва 40-модда деб ҳисоблансин.

7. 7-моддада:

биринчи қисмдан «Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

иккинчи қисм чиқариб ташлансин;

учинчи қисм иккинчи деб ҳисоблансин;

тўртинчи қисм чиқариб ташлансин.

8. 9-моддада:

иккинчи қисмнинг иккинчи жумласи чиқариб ташлансин;

учинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикасининг давлат идоралари чет эллик инвесторларнинг ҳуқуқларини камситувчи норматив ҳужжатлар қабул қилган тақдирда, уларга етказилган зарар ана шу идоралар томонидан суд йўли билан тўланади.

тўртинчи қисм қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Давлат идоралари ва уларнинг мансабдор шахслари чет эллик инвесторларнинг Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ ҳолда амалга ошираётган хўжалик фаолиятига аралашишга ҳақли эмас.

9. 10-моддада:

иккинчи қисм қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Чет эл инвестициялари ревизия қилинмаслиги керак, табиий офат, аварияслар, эпидемиялар, эпизоотиялар бундан мустасно. Ревизия қилиш ҳақидаги қарорни Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси қабул қилади. Шунақа ҳолларда чет эллик инвесторга тўланадиган товон пули бошқаларга тўланадиган товон пули билан баббаравар бўлиши лозим».

10. 11-модда қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

**«11-модда. Фойдани ва пулни чет эл валютасида ўтказилишининг кафолатлари**

Чет эллик инвесторларга уларнинг қонуний фаолият натижасида олган фойдаси ва бошқа пулларининг чет элга ўтказилиши кафолатланади.

11. 12-моддада:

биринчи қисм қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Чет эллик инвесторларнинг Ўзбекистон Республикасида олган фойдаси республика ҳудудида такрор инвестиция қилиниши ёки мулк эгасининг ихтиёрига кўра ўзгача тарзда фойдаланилиши мумкин. Чет эллик инвесторлар республика банкларида исталган валютада юритиладиган ҳисоб рақамларига ҳеч қандай чеклашсиз эга бўлишлари мумкин».

12. 13-модда қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

**«13-модда. Қўшма корхона тузиш**

Қўшма корхоналар янги юридик шахс ташкил этиш йўли билан ёки чет эллик инвесторнинг Ўзбекистон Республикасида фаолият кўрсатиб турган корхонада улуш сотиб олиши йўли билан барпо этилади.

Қўшма корхона барпо этиш тўғрисидаги қарорни чет эллик инвестор ва Ўзбекистон Республикасидаги корхона эгаси қабул қиладилар.

13. 14-моддада:

биринчи қисмдаги «жаҳон бозори нархларида, бундай нарсалар бўлмаган тақдирда эса» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

14. 15-модда қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

**«15-модда. Чет эл корхонасини очиш**

Бир ёки бир нечта чет эл инвестори Ўзбекистон Республикаси ҳудудида чет эл корхонасини Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ очиши мумкин».

15. 16-моддада:

биринчи қисмдаги иккинчи жумла чиқариб ташлансин.

16. 17-моддада:

биринчи қисмдаги «Ўзбекистон Республикаси қонунларида чет эл инвестицияларни иштирокидаги корхоналарни тузиш учун белгиланган шартларга риоя этган ҳолда» деган сўзлар «ушбу Қонун талабларига риоя этган ҳолда» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

иккинчи қисм қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикасидан ташқарида чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналарнинг филиаллари, ваколатхоналари ва бошқа алоҳида бўлинмалари очилиши мумкин».

17. 18-модданинг номи қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

**«Корхоналарнинг хўжалик уюшмалари».**

18. 20-моддада:

биринчи қисм қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Чет эл инвестициялари иштирокидаги корхона ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотни лицензиясиз экспорт қилишга ва ўзининг ишлаб чиқариш эҳтиёжлари ҳамда ички бозорда реализация қилиш учун маҳсулот импорт қилишга ҳақлидир. Ўзи ишлаб чиқарган, экспортга етказиб бериладиган маҳсулотни ҳамда ўзининг эҳтиёжлари учун корхона томонидан импорт қилинадиган маҳсулотни аниқлаш тартибини Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси товар яратилишининг жаҳон амалиётига монанд қоидалари асосида белгилаб беради».

19. 23-моддада:

иккинчи жумла қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Солиқларга доир қонунларда назарда тутилган имтиёзлардан ташқари уларга Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси солиқ соҳасида қўшимча имтиёзлар бериши мумкин».

20. 24-модданинг номидаги «текшириш» деган сўз «назорат қилиш» деб ва шу моддада биринчи қисмидаги «текширадилар» деган сўз «назорат қиладилар» деб ўзгартирилсин.

21. 27-моддада:

иккинчи қисм қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикасидаги чет эл корхоналари ва қўшма корхоналар ихтироларга патент олиш ҳамда саноат намуналарини жорий этишни Ўзбекистон Республикаси қонунларида белгилаб қўйилган тартибда амалга оширадилар».

22. 29-моддада:

иккинчи қисмдаги охирги жумла қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

Бу ходимлар оладиган иш ҳақларини ва қонуний йўл билан топилган бошқа даромадларини чет давлатларга ўтказишлари мумкин.

23. 30-моддада:

учинчи қисм қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Корхона Ўзбекистон Республикаси ходимларининг ва чет эллик ходимларнинг давлат ижтимоий суғуртаси бўйича ажратмаларни ҳамда Ўзбекистон Республикаси ходимларининг пенсия таъминотига ажратмаларни амалдаги қонунларга мувофиқ тўлайди».

24. 31-моддада:

биринчи қисмнинг учинчи жумласидаги «совет» деган сўз «рубль» деган сўз билан алмаштирилсин.

25. 32-моддада:

иккинчи қисм чиқариб ташлансин;

учинчи қисм иккинчи, тўртинчи қисм эса учинчи қисм деб ҳисоблансин;

модда қуйидаги мазмундаги янги, тўртинчи қисм билан тўлдирилсин:

«Чет эл инвестициялари иштирокидаги корхона қайта ташкил этилган ёки тугатилган тақдирда ишдан бўшатилаётган ходимларнинг ҳуқуқ ва манфаатларига қонунларга мувофиқ риоя этиш кафолатланади».

26. 33-модда қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

**«33-модда. Қўшма корхонадан чиқишда мол-мулкни тақсимлаш**

Чет эллик инвестор қўшма корхонадан бутунлай чиқанда ёки бу корхона тугатилган тақдирда корхона мол-мулкидаги ўз улушини бозор қийматига мувофиқ пул ёки товар шаклида қайтариб олиш ҳуқуқига эга бўлади. Бунда бошқа қатнашчиларга қўшма корхонадан чиқаётган ажнабий қатнашчининг улушини сотиб олиш ҳуқуқи берилади».

27. 34-модда қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

**«34-модда. Давлатнинг қимматбаҳо қоғозларини сотиб олиш**

Чет эллик инвестор давлатнинг қимматбаҳо қоғозларини қонунларда белгилаб қўйилган тартибда сотиб олади».

28. 35-модда қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

**«35-модда. Юридик шахсларнинг қимматбаҳо қоғозларини сотиб олиш**

Чет эллик инвесторлар Ўзбекистон Республикаси юридик шахсларининг акциялари ва бошқа қимматбаҳо қоғозларини сотиб олишга ҳақлидирлар. Уларни сотиб олиш тартиби ва шартлари қонунлар билан белгилаб қўйилади».

29. VII бўлимнинг номи ўзгартирилиб, қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

**«ЧЕТ ЭЛЛИК ИНВЕСТОРЛАРНИНГ ЕРДАН ФОЙДАЛАНИШ ҲУҚУҚЛАРИНИ ОЛИШИ, ИЖАРА ВА КОНЦЕПЦИЯ ШАРТНОМАЛАРИ».**

30. 36-моддада:

биринчи қисм қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Чет эллик инвесторларга ва чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналарга шартнома шартларида кўрсатилган муддатга ер ижарага берилиши мумкин».

31. 37-моддада:

биринчи қисм қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Чет эллик инвесторларга ижарага берувчи томонидан мол-мулкни ижарага бериш шартномалар асосида ҳамда қонунларга мувофиқ амалга оширилади»;

иккинчи қисм чиқариб ташлансин.

32. 38-моддада:

биринчи қисмдаги «тикланадиган ва тиклаб бўлмайдиган» сўзлар чиқариб ташлансин.

33. VIII бўлимнинг номи ўзгартирилиб, қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

**«НИЗОЛАРНИ ҚАРАБ ЧИҚИШ ВА ХАЛҚАРО ШАРТНОМАЛАР».**

34. 39-моддада:

иккинчи қисмдаги «низолар Ўзбекистон Республикаси судларида» деган сўзлар «низолар Ўзбекистон Республикаси ҳакамлик судларида» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**
**И. КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри,
1992 йил, 2 июль.

• Мустақиллик имкониятлари

## ЎЗИМИЗДАН ОРТГАНИНИ ХОРИЖГА СОТАМИЗ

**● Бугунги кунда ҳар бир корхона ва ташкилот меҳнат жамоаси Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги кунини муносиб кутиб олиш тараддудини кўряпти.**

Бирлашмамиз ишчилари ҳам ушбу байрамгача йирик иншоот — кабель цехининг биринчи навбатини ишга туширишни мақсад қилиб қўйишган. Ҳозир бу ерда сўнгги ускуналарни монтажлаш ишлари қизғин бормоқда. Бу ишда корхона жамоасига «Кавказкабель» ишлаб чиқариш бирлашмаси мутахассислари яқиндан ёрдам беришяпти. Дастлабки маҳсулот — ёритиш симлари шу йилнинг 1 сентябрига чиқарилиши керак.

Айтиш керакки, ушбу тақчил маҳсулотга фақат Ўзбекистондагина эмас, балки бошқа ҳамдўстлик мамлакатларида ҳам эҳтиёж сезилмоқда. Буни ўз вақтида илғаб олган корхонамиз мутахассислари кабель цехини барпо этиш таклифи билан чиқишди. Қорақалпоғистон Республикаси ҳукумати ҳам бу таклифни қўллаб-қувватлади. Олмония Республикасидаги фирмадан 3 миллион марка (немис пули)га керакли замонавий ускуналар сотиб олинди.

Кўп ўтмай янги цех лойиҳа-ҳужжатлари тайёрланиб, қурилиш бошлаб юборилди. Бироқ собиқ СССРнинг тарқалиб кетиши кабель цехи қурилишига жиддий таъсир этди. Маблағ етишмаслиги туфайли цехни барпо этишни тўхтатиб туриш хавфи туғилди. Шунда бирлашма маъмурияти мутахассислар билан келишиб, белгиланган режани рўёбга чиқаришга аҳд қилди. Кабель цехи қурилишини ниҳоясига етказиш учун ҳукуматдан 10 миллион сўм қарз (кредит) олинди.

Албатта, бозор муносабатлари шароитида бундай таваккалчиликнинг ўзи бўлмайди. Лекин биз ҳисоб-китоб қилиб кўрдик: агар цех ишга туширилиб, лойиҳадаги қувват даражасига чиқиб олса, бир кеча-кундузда 2 миллион сўмлик маҳсулот тайёрлаш имконига эга бўлинади. Бу — қарзни қисқа муддатда узса бўлади, дегани.

Кейинчалик янги цехда телефон симлари ва бошқа кабель маҳсулотлари тайёрлаш ҳам йўлга қўйилади. Натижада яна қўшимча 1000 та ишчи ўринлари ташкил этилади. Бундан ташқари, республика корхоналарининг кабель маҳсулотларига бўлган эҳтиёжи ҳам тўлиқ қондирилади. Ҳатто ўзимиздан ортганини четга сотиш имконияти ҳам туғилади.

Айни шу кундаги муҳим вазифа — янги цех биринчи навбатини қуриб, тезроқ фойдаланишга топшириш. Ҳозир жамоа аҳлининг саъй-ҳаракатлари ҳам шунга қаратилган. Шу боис, ишчи-хизматчиларимиз бозор муносабатлари қийинчиликларига қарамай ҳамжиҳат меҳнат қилишяпти. Уларнинг ҳар бирига ўртача 2 минг сўмдан ойлик маош тўланяпти. Ўтган 6 ой мобайнида корхонамизда режада белгиланганидан 7,8 миллион сўмлик маҳсулот кўпроқ ишлаб чиқарилди.

**А. ПЯК,**
**Қорақалпоғистон қишлоқ хўжалиги ускуналарини таъмирлашга ихтисослашган ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директори.**

**ҲУРМАТЛИ МУШТАРИЙЛАР!**
**ОБУНА ВАРАҚАСИНИ БЕХАТО ТЎЛҒАЗИШГА ҲАРАКАТ ҚИЛИНГ!**

Агар обуна «Матбуот уюшмаси» агентлигида расмийлаштирилган бўлса, касса аппаратининг муҳри, алоқа бўлимларида расмийлаштирилганда эса тақвим штемпели, албатта, бўлиши керак.

Бу ҳолда обуначиларга абонемент билан бирга пул қабул қилинганлиги ҳақида квитанция берилади.

**АЗИЗ ОБУНАЧИ ЎРТОҚЛАР!**

Рўзнома ва ойномаларга обуна варақчасини сиёҳли ручкаларда хатосиз, сўзларни қисқартирмасдан ва тушунарли қилиб тўлғазинг.

Обуначи ўз турар жой манзилгоҳи, насаби, исми ва отасининг исмини аниқ ёзиши талаб этилади.

Обуна варақчасидаги «ПВ-Жойи» деган ёзувли катакларни алоқа бўлинмалари ва «Матбуот уюшмаси» агентликлари ходимлари тўлғазади.

## ГДЛЯН ЧЎҚМОРИН СИНДИРГАН ҲАМ СИЗ...

**(ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИГА БАҒИШЛАНАДИ)**

**Темурий авлодин бирма-бир излаб**
**Гдлян келганди олтинни кўзлаб,**
**Дуч келгач биринчи зарбга Бухоро,**
**Гўрдан сапчиб турди Рашидов бобо.**
**«Ўзбегим, бу дунё менга тор қафас,**
**Бошингга не кунни солар бу нокас!!»...**
**Гдлян чўқмори синдирган ҳам сиз,**
**Паркентда лойқа сувни тиндирган ҳам сиз.**
**Фарғона билан Ўш келгач ларзага,**
**Қалқон бўлдингиз Сиз ўшал зарбага.**
**Она қизга дейди: «Гулни даста қил,**
**Ҳур Ўзбекистон бўлди мустақил!»**
**Мустақил йўлларга бурилди даврон.**
**Энди таланмайди ўзбеки карвон.**
**Энди юракларда очилмас яра,**
**Энди марказ сени этмас тасқара.**
**Энди бошимизни ёролмас чақин.**
**Олтинларга шайтон келмайди яқин.**
**Бийрон болаларнинг нони олинмас.**
**Жўжаю товуқнинг дони олинмас.**
**Қуюн, изғириндан эгилмас толлар,**
**Энди оловларда ёнмас аёллар.**
**Сарғаймагай энди юзларинг сенинг**
**Тиконларга тўлмас кўзларинг сенинг.**
**Жумҳурият жонига бўлди дармонлар,**
**Сиз танлаб, ишонган ишбилармонлар.**
**Москвада митингда кўнгиллар вайрон,**
**Бизда тандирлардан узилмоқда нон.**
**Деҳқонлар очмоқда ер гавҳарларин,**
**Боқай деб бу дунё шаҳарларини.**
**Тўйдирар бу элни фақат деҳқонлар,**
**Тўйдирмас тўртқулоч қизил алвонлар.**
**Нонлар тўғралганда бурда-бурдалаб**
**Болалар термулар нонга мўлтираб.**
**Буларни билмаган билмас худони,**
**Қайғудир бўлмаса оқ буғдой нони.**
**Чинорга тенглайман деҳқон ёшини,**
**Пайғамбар силаган унинг бошини.**
**Шу боис, гул ўпсин оёқларини,**
**Кўзларимга суртай бармоқларини,**
**Ўзбек элин севган тилингиз қутлай,**
**Ҳимматга лиммо-лим дилингиз қутлай.**
**Меҳнатда толмаган қўлингиз қутлай,**
**Турк модели келди — йўлингиз қутлай.**

**Ҳамроқул РИЗО — Ёзувчилар уюшмасининг аъзоси. «Баҳор келтирган қувонч» очерклар китоби, «Сирдарё қасидаси», «Яйлов мушоираси», «Зангори дарё» шеърий тўпламлари босилиб чиққан. «Чўл қалдирғочи» қиссаси, «Чўлда баҳор», «Нон» достонлари эълон қилинган.**

**Айни пайтда Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитаси раисининг биринчи муовинидир.**

**Ижодкорга омад тилаймиз.**

### ОТА ҲУРМАТИ

**Урнига қўй ота ҳурматин,**
**Дўпписини асраб, авайла.**
**«Болам, аввал ўз қадрингни бил»,**
**Деган сўзин юракка жойла.**

**Учарларга бериб юборма**
**Қирғоқдаги бойлоқ кемасин.**
**У дунёда учрашганингда**
**Менинг болам эмас демасин.**

### НОҲАҚЛИК

**Унинг Гулистонда яшамоғи рост,**
**Исми Абдулатиф, лақаби «Ёзғир».**
**Тонгда тил остига ташлаб олиб нос,**
**Маҳкамалар томон шамолдай изғир.**
**Фақат ғўво оқар айтган сўзидан.**
**«Фалончи ифлосдир, фалончи чатоқ».**
**Совуқ тер оқади толгач юзидан,**
**Битта у ҳақ-у жаҳондир ноҳақ!**

### ЭЛНИ ЧАЁНГА ЧАҚТИРСАНГ

**Болам, ўз элингга тутсанг агар гул,**
**У ҳам сенга албат гуллар тутади.**
**Агар жарлик аро солиб қолсанг йўл,**
**Жарликдан сен билан бирга ўтади.**

**Чўлда кезганингда ташналик ортса,**
**Охирги сувини сенга узатар,**
**Кун келиб, кўзларинг аста юмилса**
**Қабристон томонга йиғлаб кузатар,**
**Сўнг қалбини ўртаб тиконли алам,**
**Расо қирқ кун куйиб юрар доғингда.**
**Сен уни чаёнга чақтирсанг, болам,**
**Кўмиб қўяр сени тирик тоғингда.**

### ТУРОН

**Туронни нишонга олди Сталин,**
**Ўқлар тегди унинг қоқ юрагига.**
**Шунда беш тиликка тилинди Турон,**
**Кишанлар солиниб зўр билагига.**
**Етмиш уч йил эзди қабоҳат билан**
**Унинг умид, орзу, саодатини.**
**Бугун ўғлонлари маҳорат билан**
**Даволай бошлади жароҳатини.**

### ЎН ОЛТИ МИНГ ОНА

**Гугурт чўпин битта донаси билан**
**Ҳўлу қуруқ ёнар катта ўрмонда.**
**Лоқайд Брежневнинг хатоси билан**
**Ун олти минг ўғлон сўлди Афғонда.**
**Ун олти минг она қарғай бошлади,**
**Ун олти минг она бағри бугун қон.**
**«Не учун кўксингни ўқдай тешмади,**
**Кўксингга қадалган ўл бешта нишон!!».**

**Ҳамроқул РИЗО.**

• *Президент Фармонлари ижросини текширамиз*

## СОЛИҚНИ ТЎЛАШ ШАРТ

Қашқадарё вилояти прокуратураси Ўзбекистон Республикаси Президентининг аҳолини ижтимоий ҳимоялашга қаратилган фармонларининг ижросини текшириш юзасидан бир қатор чора-тадбирлар белгилаб улар асосида назорат ишларини кучайтириб бормоқда. Жумладан, ер ажратиш, чорва молларини ем-хашак билан таъминлаш, озиқ-овқат маҳсулотларини тақсимлаш, ногиронлар, нафақахўрлар ва кам даромадли оилаларга моддий ёрдам кўрсатиш масалалари прокуратуранинг доимий диққат марказида турибди. Шунингдек, вилоят ҳудудида давлат солиқ сиёсатини амалга ошириш учун давлат солиқ бошқармаси билан ҳамкорликда иш олиб бориляпти. Бу эса ўз самарасини кўрсатмоқда. Чунончи, ғайриқонуний тарзда давлат солиғини тўламай келаётган давлат ва жамоа корхоналарининг масъул ходимларига нисбатан кескин чоралар кўрилди. Солиқ тўлашдан асоссиз равишда озод қилинган ширкатлар, кичик корхоналар аниқланиб, маҳаллий ҳокимиятнинг солиқ тўлашда қонунсиз равишда енгиллик бериш ҳақидаги қарорлари бекор қилинди. Натижада вилоят бўйича 622 миллион сўмлик солиқлар ундириб олинди, давлат бюджетига ўтказилди.

Ўтказилган текширишларда вилоятнинг Китоб, Шаҳрисабз, Нишон, Ғузор, Деҳқонобод ва Ульянов районларида давлат солиқ интизомини қўпол равишда бузиб келаётган корхона, ташкилотлар аниқланди, уларнинг раҳбарлари маъмурий тартибда жавобгарликка тортилдилар. Фақат Қарши шаҳрида жойлашган корхоналардан солиқ интизомини бузганлиги, давлат солиғини ўз вақтида тўламай келганлиги учун 158 та ташкилотнинг масъул ходимларига жарима солинди. Шуниси ачинарлики, кўпчилик ҳолатларда солинган жарималар шу корхона, ташкилотларнинг кассасидан ундирилган, шахсий чўнтакка тегилмаган. Вилоят бўйича давлат солиқ интизомини бузганлиги учун 1991 йил ва шу йилнинг 4 ойи давомида 409 та ташкилотнинг 656 нафар масъул ходими маъмурий жавобгарликка тортилиб, улардан 182 минг сўм жарима ундирилди. Афсуски, бу ташкилот ва корхоналарнинг раҳбарлари давлат солиғини ўз вақтида тўлашга ҳамон эътибор бермаётирлар.

Баҳористон ноҳиясидаги давлат хўжалиги бош ҳисобчиси Қаюм Жумаевнинг айби билан 52700 сўм даромад солиғи, 15200 сўм бўйдоқлардан олинаётган солиқ давлатга ўтказилмасдан келинган. Бундай ҳол Косон ноҳиясидаги «Райкоопзаготпром» ташкилотида ҳам аниқланган. Қарши шаҳридаги «Аланга» ижара корхонаси бошлиғи Н. Рашидов ҳисоботларини 93 кунга кечиктирган. Вилоят нефть маҳсулотлари бошқармаси бошлиғи К. Эрназаров ҳисоботларини 15 кунга чўзган. Бу шахсларга нисбатан маъмурий тартибда 200 сўмдан 1500 сўмгача жарима солинди.

Мулкчилик ва хўжалик юритишнинг шаклларидан қатъи назар, вилоятда фаолият кўрсатаётган барча идоралар, корхоналар, бирлашмалар, ташкилотлар, кооперативлар, кичик корхоналар ўз вақтида давлат солиқларини тўлашлари шарт. Прокуратура томонидан айбдорларнинг моддий, интизомий жавобгарлик масалалари ҳал қилиниши билан бир қаторда қонунбузарликни келтириб чиқараётган шарт-шароитлар, сабаблар ўрганилиб, уларни бартараф қилиш бўйича район ва шаҳар ҳокимиятларига тавсияномалар киритилди. Айрим мансабдор шахслар қонунни бузмаслик ҳақида огоҳлантирилдилар. Ғайриқонуний тарзда қабул қилинган қарорлар бекор қилинди.

**Холмурод ИСМОИЛОВ,**
**Қашқадарё вилояти прокуратураси умумий назорат бўлими бошлиғи, 1-даражали ҳуқуқшунос.**

# СИРЛИ КАЛИТ

## ФЕЛЬЕТОН

«Ай, болаларим-ай, семизликни қўй кўтаради» деб қўярдилар, момом.

«Инсонни синамоқчи бўлсанг, ё бойлик, ёки мансаб бериб кўр», дердилар бобом.

Қадимда бир донишманд айтган эканки, «инсоннинг кўзини фақат қора тупроқ тўйдиради. Бошқа ҳаммаси бекор...». Албатта, донишманд бу фикрида бани одамзотни назарда тутмаган чиқар. У бу ўхшатишни баъзи еб тўймас, йиғиб қўймасларга нисбатан ишлатган.

«Еб тўймаган ялаб тўймайди», «Кўрмаганнинг кўрганлари қурсин-а». Бу момомизнинг ҳар куни такрор-такрор айтадиган нақлларидан. Кимнинг момоси бу ўгитларни айтмаган? Кимнинг бобоси насиҳат қилмаган?

Уққан бошқа, ўқиган бошқа эканда... Республикага отнинг қашқасидек таниқли бир идора фаолиятига боғлиқ ҳужжатлар билан танишганда халқ нақллари нақадар чуқур маънони ўзига жо этганига яна бир бор амин бўлдик.

Келинг, азиз ўқувчи, ушбу масала юзасидан биргаликда бош қотириб кўрайлик. Зеро, бу идоранинг сиз билан бизнинг ҳаётимиз, халқимизнинг эртаги бой ёки қашшоқ яшашига узвий боғлиқ томонлари бор. Демак, унинг фаолияти ҳақида фикр юритиш, халқимиз, мустақил республикамизнинг келажаги учун фойдадан ҳоли бўлмайди.

Тарихдан маълумки, ҳеч бир давлат ёки халқ ўз-ўзидан якка ҳолда ривожланиб кетмаган. Ривожланиш— у қайси соҳада бўлмасин — ўзаро тажриба алмашиш, тажрибаларни умумлаштириш асосида кечади. Бу инкор этиб бўлмас ҳақиқат!

Шу нуқтаи назардан келиб чиққан хорижликлар, бирор бир мамлакат билан ҳамкорлик қилиш ҳақида шартнома тузишаркан, ундан бир ёки бир неча кишининг манфаати эмас, балки, бутун бир фирманинг, халқнинг, давлатнинг манфаати, обрўси йўлида фойдаланишга ҳаракат қилишади. Бизда ҳам «у қилодурмиз, бу қилодурмиз» дейишади-ю, ҳақиқатда эса ваъдаларимиз у ёки бу гуруҳларнинг тўсиқларига урилиб чилпарчин бўлади. Асл маънодаги савдо-сотиқ йўлини кимлар тўсмоқда? Бу гуруҳларни ким деб аташ керак? Қаллобларми, маҳфиячилар-ми? Ёки яна бошқа ном борми?

Бундай гуруҳлар қандай аталишидан қатъий назар, улар халқимизнинг, давлатимизнинг хазинасига тушган миталардир. Уларни ўз вақтида олди олинмаса, оқибати кўп ёмон бўлиши мумкин. Айниқса, бундай шахслар давлат аҳамиятига молик, катта-катта мансабларни эгаллаб туришган бўлса! Олиб-сотар, юлғич ва ўғақозолар қилиши мумкин бўлган ўнлаб жиноятларни биргина мансабдор шахс ўтирган ўрнидан қимирламасдан, биргина имоишораси орқали қилиши мумкин. Ачинарлиси, аксарият ҳолларда улар жазосиз қоладилар! Мансабдор жазосиз қолишига ишонгани учун ҳам эркин ҳаракат қилади. Чунки, уларнинг аксарияти ўша мансабларига эришгунларига қадар йиқилса суянгувчи, интилса қувватлагувчи суянчиқлар топишади. Ўша суянчиқларига ишонганлари учун ҳам ўз нопок фаолиятларини бемалол давом эттираверадилар. Қўлларида сирли калит! Биз қўйида қикоя қилажак воқеа ҳам шу хусусда.

Ҳамма ҳам билавермаса керак. Бизда Ўзбекистон савдо-саноат палатаси, деб юритилувчи бообрў идора бор. Унинг ўз олдига қўйган асосий мақсад-моҳияти — республикамизда ишлаб чиқарилаётган янги саноат маҳсулотлари билан хорижликларни таништириб бориш, улар билан савдо-сотиқ, олди- бердини ривожлантиришдан иборат. Хўш, бу идора ўз зиммасига юклатилган вазифани қай даражада бажармоқда? Савдо-саноат палатаси кўпроқ ким учун ишламоқда? Бу ердаги учқур «ташкилотчилар» аслида кимни ўйлаб жон куйдирмоқдалар?

Олдиндан айтиб қўяйлик, биз савдо-саноат палатаси атрофидаги антиқа ишларни журналист сифатида, маъмурий органлар ўтказган тафтиш ҳужжатлари асосида маънавий ва мантиқан таҳлил этишга ҳаракат қилиб кўрамиз.

Далилларга мурожаат этайлик. Тошкент шаҳрида хорижий мамлакатларда ҳам анча-мунча машҳур бўлган «Шарқ гули» миллий каштачилик ишлаб чиқариш бирлашмаси мавжуд. Лекин бу бирлашмада нималар содир бўлаётганини корхона ичида жавлон урганларнинг ҳаммаси ҳам билавермаса керак. Ушбу корхонада уюшган жиноятчилик кўпдан буён ин қурган кўринади. Афсусланарлиси шундаки, бу корхонада савдо-саноат палатаси раҳбарлигида қатор юлғичликлар, кўзбўямачиликлар содир этилган. Ҳали айтганимиздек, унинг бошида ҳам асосан мансабдор шахслар туришган. Наҳотки, уларнинг ғайриқонуний хатти-ҳаракатларидан ҳеч ким хабар топмаган бўлмаса? Хабардорлар бўлган, албатта. Афсуски, мансабдорлар уларнинг йўлини тўсишган, кўзини боғлашган. Ҳамма бало ана шунда! Сим-сим, эшигингни оч!..

**Бирлашма республикамизнинг бир неча йирик корхоналари қатори, 1991 йилнинг 23—27 июль кунлари Ўзбекистон Республикаси савдо-саноат палатасининг таклифига кўра, Хитой Халқ Республикасининг Урумчи шаҳрида ўтказилган «Танишинг — Ўзбекистон» кўргазмасида ўз маҳсулотлари билан қатнашади. Бу кўргазмадан кўзланган мақсад — республикамиз саноатида, ишлаб чиқаришида қўлга киритилаётган ютуқларни — янги маҳсулотларни жаҳон миқёсида намойиш этишдан иборат эди. Шу мақсадда «Шарқ гули» ишлаб чиқариш бирлашмаси омборидан 1991 йил 12 июль кунги № 103646 рақамли ҳамда 15 июль кунги № 103656 рақамли накладнойлар билан 15 турдаги, умумий нархи 173767 сўмлик тайёр маҳсулот олинади. Бу моллар бирлашма ташқи иқтисодий алоқалар бўлимининг бошлиғи Ф. Насимов томонидан Халқ хўжалик ютуқлари кўргазмаси ҳудудида, божхона ходими Я. Х. Мирзараҳимов ва Ўзбекистон Республикаси савдо-саноат палатаси вакили М. М. Абдужабборовларга топширилади.**

Ана шу нуқтада қизиқ воқеа юз беради. «Танишинг—Ўзбекистон» кўргазмасига моддий жавобгар бўлган Абдужабборов негадир жўнатилаётган маҳсулотларга жавобгарлик ҳақидаги накладнойларга қўл қўймайди. Натижада омбордан олиб чиқилган бирлашма маҳсулотларининг бир қисми республика божхонасидан рўйхатдан ўтказилмасдан, қонунга хилоф равишда чегарадан олиб ўтилади. Қонунсиз олиб кетилган молларнинг умумий баҳоси 61.700 сўмни ташкил этади. Энг қизиғи, катта миқдордаги маҳсулот олиб чиқилаётганини божхона хизматчилари гўё «сезмай» қолишган... Камбағалнинг кўйлаги орасига кириб қолган бургани кўрсатгувчи аппаратлари билан «бурга олиб ўтиш мумкин эмас», деб бечоранинг бошига минг ғавғолар солгувчи божхона хизматчилари амалдаги қонунга хилоф равишда катта миқдордаги бойлик олиб ўтилганда нега кўз юмиб турди экан? Бунинг сири нимада? Божхона дарвозасида «Симсим, эшигингни оч!...» қўшиғини ким ижро этди экан? Агар «сирли калит» бўлмаса, бу эшикларга минг калла урган билан қия очилмаслиги аён-ку! Эх, сирли калит, сирли калит! Эртакларда эшитардик, бугун эса ҳаётда кўриб, лол қолиб турибмиз: сим-сим, эшигингни оч!... Наҳотки, республикамизнинг ишонган, суянган дарвозасининг қулфи шу даражада бўш бўлса-ки, хоҳлаган одам, хоҳлаган нарсасини хоҳлаган томонига тортиб кетаверса.

Ажабо, «божхона-бедарвоза» деган тахминга ақл бовар қилмайдику? Божхона ҳақидаги бундай тасаввурлар бизга ёт, албатта. Божхона — муқаддас даргоҳ-ку! Ахир божхона қалъасини унча-мунча ташкилот-у, идораларнинг сўзи кесмаслиги аёнку! У шоҳу-гадога бир кўз билан қараши керак эмасми? Божхона «Шарқ гули» бирлашмаси таркибида эмаслиги, демак, унинг раҳбарлари тугул, унинг вазирларига ҳам бўйсунмаслигини айтиб ўтирмаса ҳам бўлади. Унда нега давлатимизнинг чегараси саналмиш, халқимиз бойликларини қўриқлагувчи; асраб-авайлагувчи, тасаввуримизда метиндек мустаҳкам ҳисобланган идора — божхонанинг қулфи ўз-ўзидан оппа-осон очилиб кетди?

Бу ерда божхона хизматчиларидан кимдир ёки кимларнингдир манфаатларидан кўра устунроқ сеҳрли бир куч ҳар қандай қулфни оча олувчи сирли бир калит бордек туюлмаяптими, сизга? Агар шундай сеҳрли калит бўлса, у кимнинг қўлида экан? Балки кимдадир Ҳошимжоннинг сеҳрли қалпоқчаси бўлгандир? Бошингга кийиб олсанг, тамом, ҳеч ким сени кўрмайди! Хоҳлаган ишингни қилаверасан. Ҳар қандай йўлда тўсиқ билмайдиган Аловиддиннинг шамчироғи уларнинг қўлига ўтиб қолганми? Агар-ки шундай экан, бизга давлат-у, чегара ҳақидаги муқаддас қонунларнинг нима кераги бор? Унда дарвозани кенг очиб қўя қолайлик, истаган одам истаган нарсасини ташиб кетаверсин? Ҳар ҳолда биз юқорида қўйган саволларга божхона раҳбарияти ҳуқуқ посбонлари олдида жавоб берарлар, деб ўйлаймиз. Биз эса, асосий масала — сирли калитнинг жаҳонгашта саргузаштларига қайтамиз.

Келинг, илми мантиққа мурожаат қилиб кўрайлик: божхонанинг «Шарқ гули»га ҳеч қандай бўйсунувчи жойи йўқ, дедик. Демак, у бирлашма раҳбариятига бўйсунмайди. Балки бу ўйинда асосий вазифани Абдужабборов бажаргандир? Агар юқорида таъкидлаганимиздек, мантиқ нуқта назаридан ёндошадиган бўлсак бу фикримиз ҳам пучга чиқади. Чунки, Абдужабборов бор-йўғи кўргазмага моддий жавобгар шахс. Унга давлат аҳамиятига молик катта идора— божхонанинг бўйсунмаслиги ҳам кундуз қуёш, кечаси ой чиқишидек, исбот талаб қилмайдиган ҳақиқат. Унда ким? Республика чегарасини ҳам, божхона дарвозаларини ҳам ўзи хоҳлаган одамга хоҳлагандек кенг очиб бера оладиган сеҳрли калит кимнинг қўлида? Балки, бу жумбоқ — топишмоқни республика савдо-саноат палатаси раиси Дилбар Юнусовна Мирсаидова ошкор этар?! Бу сирли калит кимнинг қўлида бўлганлиги балким у кишига аёндир?

Дилбар Юнусовна «оддий раҳбар» эмас, ўша пайтда ҳали «собиқ» бўлмаган Бош вазирнинг рафиқалари! «Сим-сим, эшигингни оч!» қўшиғини ким айтган экан-а?!

Бу бир одилона тахмин, холос. Биз ёзилаётган ушбу масалага фақат мантиқий жиҳатдан ёндошяпмиз. Бу ерда асосий айбдорни топиш, юз берган ҳолни моддий-ҳуқуқий томонларини аниқлашни ҳуқуқ посбонлари ҳукмига ҳавола этамиз ва уларга ҳалоллик қошида жасорат тилаймиз.

Яна кўргазмага қайтайлик. Балки, қаҳрамонларимиз рўйхатдан ташқари молларни «билмасдан», «адашиб» олиб кетгандирлар? Энди ўзга юрт — Урумчида ўз хатоларини тушуниб қолиб, афсус чекиб ўтирганларидир? Сиз билан биз бекорга вақтимизни йўқотиб, фалсафа сўқиб ўтиргандирмиз? Улар қай хаёлда бўлганини билмади-гу, лекин биз шундай бўлиб чиқишининг тарафдори эдик. Таассуфлар бўлсинки, Урумчидаги воқеалар сиз билан биз кутгандан бошқачароқ ривожланаётган эди-ки, ундан сизни ҳам хабардор қилишни лозим топдик. Акс ҳолда, адолатнинг тагига етиш амри маҳол бўлади. Сим-сим, эшигингни оч!..

1991 йил 27 июль — кўргазманинг сўнгги кунида, тадбир қатнашчиси сифатида Урумчига борган «Шарқ гули» ишлаб чиқариш бирлашмаси директори Р. Х. Отажонова кўргазмада намойиш этилган, бирлашмага қарашли маҳсулотларнинг бир қисмини ғайри-қонуний равишда, шахсан ўзи пуллаб юборади. Кўргазма директори — Ўзбекистоон Республикаси савдо-саноат палатаси раёсати раисининг ўринбосари Ш. М. Охунжонов рухсати билан албатта. Раъно Отажонова ўзининг бу жиноий ҳаракатини шу қадар эркин амалга оширадики, ҳаттоки, моллар қанчадан ва кимга сотилгани ҳақида «ҳужжат» тайёрлашни ҳам ўзига эп кўрмайди. Отасининг молини сотгандек сотади-юборади, вассалом. Кўриниб турибдики, у ҳам кимгадир ишонган, кимгадир суянган. Жавобгар бўлмаслигига имони комил бўлган. Бўлмаса, бу даражада жиловни бўш қўйиб юбормаган, ҳеч бўлмаса қонундан ҳайиққан бўларди. Демакки, у шундай йўл тутдими, кимдир қонунни истаган мақомга юргиза олишига ишонган. Фақат ким? Ким ўша сеҳргар? Бир имо-ишорат билан қуш учиб ўтолмайдиган чегаралар ланг очиладиган, хоҳласа қонунни ҳам туфлисининг боғичига боғлаб ўзига керакли томонга етаклаб кетаверадиган қудратли шахс ким? Биз қўяётган саволларга жавоб топишни яна ҳуқуқ органларидан кўрамиз. Сим-сим эшигингни оч!..

Ҳар эҳтимолга қарши бўлса керак, кўргазмага борган «Ташкентвнешсервис» директори М. М. Биктова, бизга таниш бўлган Абдужабборов ва Отажоновалар 1991 йил 27 июль санаси билан маҳсулотлар сотилгани ҳақида акт тузиб қўйишади. Бироқ, бу актда ҳам уларнинг сотилган баҳоси кўрсатилмайди. Бу ҳақда Биктова ва Абдужабборовлардан сўралганида, улар маҳсулот сотилиши жараёнида қатнашмаганлари ва шу сабабга кўра қанчадан сотилгани ҳақида аниқ маълумотга эга эмасликларини маълум қилишади. Унга акт тузишнинг нима кераги бор? Ажабо, чет элда қайси қонунга амал қилишни билмай қолишдимикан? Лекин бизнинг қаҳрамонларимиз ўз қонунлари билан яшагани аниқ: улар ҳеч қачон ўз зарарларига адашмаганлар. Фойда келтирадиган ҳар қандай қадам—уларнинг қонуни бўлган! Тамом!

Қизиқ, бу шахслар бир хато, (балки жиноят десак тўғрироқ бўлар) тузалмасдан иккинчисига қўл ураётган ва, фаҳмлашимизча, бундан ҳеч қайсилари заррача чўчимаётган эдилар. Худди катта тоға-аммаларининг томорқаларидан олинган меваларини деҳқон бозорида пуллашаётгандек, тутишарди ўзларини. Дунёда қонун-қоида деган гаплар борлиги, унинг олдида кимлардир жавобгар бўлиши мумкинлиги уларнинг хаёлига ҳам келмасди. Ҳар ҳолда «қонун ўзимизнинг қўлимизда», деб ўйлашган бўлсалар керак-да. Акс ҳолда бу даражада эркин ҳаракат қилишмаган бўлардилар! Қонун бу сафэр ҳам ботинканинг боғичига боғлаб кетилганди...

Божхона-ю чегара», «қонун-қоидалар» аталмиш табаррук эшикларни, темир дарвозаларни бир ҳамла билан осонгина очувчи сирли калит қўлда бўлса, кимдан ҳам чўчийсан! Орамизда шундай «сеҳрли қўллар», «улуғ зотлар» борлигидан фахрланмай бўладими! Уларга замондош бўлишнинг ўзи бахт-ку! Сим-сим эшигингни оч!...

Шундай қилиб, маҳсулотларни ўзи хоҳлаган ва ҳеч ким билмаган нархда «сув» қилишнинг ҳаддини олган бирлашма бош директори Раъно Отажонова чет эл валютаси (Хитой юанлари)ни янада кўпайтириш пайига тушади. Шу мақсадда у Урумчи шаҳридан Ўзбекистонда ноёб бўлган Хитой буюмларини харид қилади. Қўйида Раъно Отажонова харид қилган моллар рўйхатини келтирамиз. Бу рўйхат бизга қаҳрамонларимизнинг кейинги хатти-ҳаракатларини таҳлил қилишимизда ёрдам беради, деб ўйлаймиз.

**56 комплект чойшаб, 10 комплект парда, 10 дона «Адидас» спорт костюми, 11 дона аёллар кофтаси, 2 дона аёллар ва 2 дона эркаклар шиппаги, 43 метр ҳар хил мато, 1 дона болалар кўйлаги, 1 дона жамадон, 1 дона сумка, 10 дона ҳар хил майкалар, 1 дона катта веер, 8 дона ҳар хил вазалар, 3 дона автомобиль ўтиргичининг жилди, 1 дона майин юнгдан тўқилган куртка, ҳамда 7 комплект қопчиқлар ёнгмаси...**

«Ҳужжат»ларга кўра, бу моллар етим болаларга «совға» эмиш?! Бунақа ноёб моллар етим болаларга қанчалик даркор эканлигини ўқувчининг ўзи англаб етса керак!..

Юк ортилган контейнер Қозоғистон чегарасидаги Харгосс божхона пунктида текширишдан ўтказилганда рўйхатга олинмаган бир қанча Хитой моллари олиб келинаётгани учун контейнер тўхатиб қолинади. Бунгача ҳам Хитой божхонасида «Шарқ гули» бирлашмасига тегишли контейнердан 150 тизим марварид, 16 дона ваза, 26 дона «Адидас» спорт костюми, 46 дона ипак рўмол ва бошқа бир қанча ноёб буюмлар мусодара қилиниб, олиб қолинган эди. Гап қай даражадаги «совғасалом» устида кетаётганлигини англаш учун эслатамиз: бир тизим марваридга олий маълумотли мутахассиснинг бир йиллик маоши аранг етади! Қолаверса, етимхоналарга мўлжалланган совға-саломлар ичида маржону — «адидас»лар, автомобиль чехоллари, аёллар сумкаси-ю костюмлари нима қилиб юрибди, «адашиб»? Қизиқ, етим болалар тушига ҳам кирмаганмикан Хитой салтанатидан юқори қўйилар экан, шекилли. Харгоссдаги янги рўйхат билан ҳам юкни беришдан бош тортишади.

Шундан сўнг, Ўзбекистон Республикаси савдо-саноат палатаси қўрқан олдин мушт кўтарар деганларидек, дўқ-пўписага ўтди: «Шарқ гули» ишлаб чиқариш бирлашмасини жабрланувчи ҳисоблаб, Харгосс божхонасига асоссиз равишда 190,2 минг сўм миқдорида жарима солишди. Бу «ўйин»лардан ҳам натижа чиқмагач, қаҳрамонларимиз Охунжонов ва Отажоноваларнинг Ўзбекистон Республикаси Ташқи савдо алоқалари Давлат Қўмитаси раиси (эндиликда собиқ) А. С. Маҳмудов ўз паноҳига олади. Собиқ вазирнинг ёрдамида ғайриқонуний ҳужжатлар тўғриланиб, 1991 йилнинг 16 сентябрида Харгоссдаги юкларнинг «бир қисми»ни олишга эришадилар. Нега «бир қисми»ни дейсизми? Яна бир «ҳужжат»га кўра «Танишинг — Ўзбекистон» контейнерини хорижда ўғри урган эмиш! Ўғрини қароқчи урган бўлса ургандир. Ўзимизни-ўзимиз талагэн бўлсак-чи. Эвоҳ, сим-сим, эшигингни оч!...

Модомики, Ўзбекистонни таништирмоқ керак экан, ҳар томонлама «таниш»тирганга нима етсин! Ўзбекистон савдо-саноат палатаси Хитой сафаридан ғоятда «унумли» фойдаланилган дейиш мумкин. Қойил, Офарин! Ўзга мамлакатлэрда контейнерларни ютиб, михини кўрсатмаган бизнинг шоввозлар Ўзбекистонда поездларни вагон-пагони билан ютиб юборсалар не ажаб?! Мана йўқолган вагонларни қаердан ахтариш керак!

Шу ерда республика Ташқи савдо алоқалари Давлат қўмитаси раиси Анвар Маҳмудов ҳақида тўхтаб ўтмаслик адолатдан бўлмас. Ҳукумат вазири қароқчилар тўдасини нега ўз паноҳига олди экан, деб ўйларсиз? Чунки, у давлат қўмитаси раиси бўла туриб, савдо-саноат палатасининг раҳбари кимлигини, унинг сэлтанатдаги ўрнини билмаслиги мумкин эмас эди. Хуллас, қаҳрамонларимизнинг сирли калити олдида на Харгосс божхонаси, на давлат қўмитаси раиси кўркак кериб тура олдилар. Биз бу гапларни Анвар Маҳмудовни оқлаш учун ёзаётганимиз йўқ. Ўйнашмагин арбоб билан, сени урэр ҳар боб билан, деган гаплар бор. Лекин шунга қарамай, бари бир собиқ вазир ўз хатти-ҳаракати учун қонун олдида жавоб бериши турган гап. Ўзга чора йўқ. Қозонга яқин юрсанг қораси юқади деганлар, ахир. Сим-сим, эшигингни оч!..

Ўқувчимизни зериктириб қўяётган бўлсак-да, Отажоновага тааллуқли бўлган моллар рўйхатини яна қайтаришни лозим топдик. Ҳар иккала рўйхат ўртасидаги фарқни аниқлаш зукко муштарийнинг ўзига ҳавола.

**30 дона чойшаб, 12 дона ваза, 16 дона аёллар, 2 дона болалар кофталари, 1 дона суратли веер, 1 дона майин юнгли куртка, 18 метр тўрт бўлак мато, 1 дона хона шамоллатгич, 3 дона болалар жинси шими, 3 дона болалар жинси куртканси ҳамда 2 дона шим.**

Ҳурматли ўқувчимиз бизни кечирсин-ку, бу ҳали фақат Харгосс божхонаси хизматчилари ва қаҳрамонларимиз ўртасида бўлиб ўтган келишув асосида тузилган рўйхат. Энди эътиборингизга ҳақиқатда бор бўлган ва Отажонова томонидан қабул қилиб олинган моллар рўйхатини ҳавола этамиз.

**30 дона чойшаб. 12 дона ваза, 17 дона аёллар кофтаси, 2 дона болалар кофтаси, 1 дона суратли веер, 1 дона майин юнгли куртка, ҳамда 18 метр тўрт бўлак мато...**

Хўш, энди ҳар уччала рўйхат ўртасидаги фарқни аниқлаш учун кўп вақт талаб қилинмайди. Баъзи маҳсулотлар негэдир кўпайиб, баъзи бирлари камайиб қолганининг гувоҳи бўламиз. Бу сирнинг калити ҳам ҳозирча қаҳрамонларимиз қўлида. Бу сирни тагига етишни ҳам ҳуқуқ посбонларига қўйиб берайлик-да, «Сим-сим эшигингни оч», деб, воқеалар изидан борайлик.

Юкларни Тошкентга омон-эсон келтириб олгач, Раъно Отажонова ўз пушти-паноҳларига, сирли калитга яна бир бор тан бермай иложи йўқ эди. Тан бериш ўз йўлига, бироқ сафаридан қайтган «амма-хола»ларнинг совғаси? «Совға»лар аслида кимга аталган эди? Етимхона ва етим болалар номини сотиб, сохта рўйхатлар тузиб, аслида «малика»лик тэхтида туриб ҳам кўзи тўймаган очкўз зотлар ким эди? Болаларнинг шундоқ ҳам аянчли тақдири ва аҳволи устидан кулган ва уларни таҳқирлашдан тоймаган «олий зот»лар бандадан қўрқмаса, худодан қўрқишмайдими? Худо ургани шу бўлса керак-да! «Харгосс» божхонасига келиб сирли калит синди... Ўзбекистон узоқлик қилгандир-да?! Ҳар қандай сеҳрнинг ҳам таъсир доираси бўлади, дейдилар-ку?!.. Симсим эшигингни оч!

Харгосс божхонаси қулфига калити тушмаган Охунжонов, Абдужабборов ва Отажоновалар, Ўзбекистон Республикаси божхона хизмати ходимлари билан тил бириктириб, контейнердаги юкларнинг рўйхатини дарҳол «қайтадан тузиб» чиқишди. Бизнинг қаҳрамонлар ўзлари топган «ихтиро»дан ўзлари завқланиб, Хитой божхонасига чапак чалиб кириб борадилар. Бироқ бу «номер»лари ҳам ўтмайди. У тарафларда ҳар ҳолда қонунлар салтанати маликашўрлик қаҳрамонимиз, кўргазмага олиб кетилган бирлашма маҳсулотларнинг ўрнини нима биландир қоплаши ҳам керак эди. У бунинг ҳам йўлини топди. Олиб келинган Хитой молларини цех бошлиқлари кўмагида ўз ишчиларига чайқов нархида пуллайди. Азиз ўқувчимиз бизни яна бир марта авф этсин, унинг диққатига яна бир рўйхатни ҳавола этамиз:

**Отажонова 30 дона чойшабнинг ҳар бирини 1260, 2500, 3000 сўмгача, 15 дона аёллар кофтасининг ҳар бирини 300—500 сўмгача, 18 метр тўрт хилдаги матонинг ҳар бир метрини 250 сўмдан соттиради. Шундай қилиб, кўргазмада сотиб юборилган умумий баҳоси 84 минг 997 сўмлик бирлашма маҳсулотининг пули ошиғи билан — 85 минг 20 сўм қилиб қайтарилади.**

Қолган тўрт турдаги маҳсулот ўқувчимизни ҳам қизиқтираётган бўлса керак. Биз ҳам айнан шу масалага қизиқиб кўрдик. Маълум бўлишича, 12 дона ваза, 2 дона болалар, 1 дона аёллар кофтаси Отажонова томонидан ўзлаштирилган. Юқорида айтилган ноёб марваридлар, Хитой вазалари ва бошқа қимматбаҳо моллар сирли равишда, сувга тушган тошдек, зим-зиё ғойиб бўлган. Бу жумбоқнинг калитини топишни ҳам мутасадди ташкилотларга қолдирамиз. Сим-сим, эшигингни оч!

Ачинарлиси шундаки, Отажонова — Охунжонов — Абдужабборов — божхона воқеалари Ўзбекистон савдо-саноат палатаси ўтказган «Танишинг — Ўзбекистон» кўргазмасида йўл қўйилган ягона найранг эмас. 1990 йилнинг 10—17 июль кунлари Польшанинг Познань шаҳрида ўтказилган кўргазмада ҳэм худди юқоридагидек, амалдаги қонунчилигимизга хилоф ишлар маржони бир тизим. Унда Енгил саноат вазирлиги, Маҳаллий саноат вазирлиги, «Усто» бирлашмаси, «Совпластитал» каби тўққизта йирик бирлашма ва ташкилотлар қатнашган. У ерда ҳам кўргазмага олиб борилган маҳсулотлар юқорида биз танишган Ш. М. Охунжонов ва Г. Ф. Анваровалар «рухсати» билан сотиб юборилган. Маҳсулотларни пуллаш эвазига қўлга киритилган 1808 Америка долларининг бир қисми моллари сотилган корхоналарга бўлиб берилган бўлса, қолган 324 доллар эсэ сирли равишда 1 йилу 8 ой мобайнида Охунжоновнинг сейфида сақланган. Фақат 1992 йилнинг 12 мартига келибгина текшир-текшир арафасида бу валюта палата ҳисобига ўтказилган.

Энди қаҳрамонларимизни махфиячиларми, уюшган жиноятчиларми, оддий юлғичларми ёки замонавий ишбилэрмонларми, деб аташ газетхонга ҳавола!

Хўш, Охунжонов бу маблағни нега шунча узоқ муддат ўз сейфида сақлади? Қолаверса, бу валюта шунча вақт ҳаракатсиз ётганмикан? Хуллас, саволлар кўп. Жавоблар ўз сирли калитини кутиб ётибди. Симсим, эшигингни оч!...

Табиий саволлар туғилади: Ўзбекистон савдо-сэноат палатаси халқаро майдонда фаолият кўрсатуви ва шунга кўра юксак интизомга, ҳалоллик ва покликка даъват этилган идора бўлмоғи лозим. Бу идора маълум маънода чет элларда Ўзбекистоннинг юзи-кўзи бўлишга қодир эди. Аслида-чи? Ўзбекистон шаъни ва шавкати билан боғлиқ бу муқаддас даргоҳнинг атрофида кимлар ўралашиб қолган? Унинг номидан иш кўриб келган одамлар нега бунчалик майда, очкўз, латтафуруш, молпараст бўлиб чиқишди? Нега улэр мамлакатда ҳамма нарсага эга бўла туриб, чет эллардаги хатти-ҳаракатларида Ўзбекистон шаънини бунчалик ерга урдилар? Мўътабар бир идорада неча вақт давом этиб келган кўзбўямачилик ва, ниҳоят қаллоблик ҳаёт тарзига айланган одамларнинг мушугини пишт дейдиган одам нега топилмади? Ахир бу идорада кимсан илдизи ҳукумат илдизи билан боғлиқ одамлар ишлар эди-ку? Уларга нима етмэс эди? Нима камлик қилар эди? Оч одам қўлини нимагадир чўзса, уни тушуниш мумкин, бироқ тўқлигидан ёрилай деб турган одамларнинг очкўзлигини қандай изоҳлаш мумкин? «Симсим, эшигингни оч!» деб ёлворган билан «йиғлоқи бойлар»нинг қашшоқ маънавий дунёсини англаб бўларми-кан?

Бироқ кўпгина «сир»лар сирлигича қолмоқда. Божхоналар нега бедарвоза қолди, чегаралар нега беписанд бўлди, турли-туман ҳуқуқ посбонлари нега пашша қўриб ўтиришди ва ҳоказо. Бироқ зукко ўқувчи кўп нарсани шундоқ англаб турибди. «Танишинг — Ўзбекистон» деб баландпарвоз ном олган савдо-саноат кўргазмаси ўтган ўша кунлардаги яна бир муҳим сафарни ёдга олсак масала бирмунча ойдинлашса ажаб эмас. «Танишинг — Ўзбекистон» кўргазмаси Синзян—Уйғур автоном республикасига собиқ вице-президент Ш. Р. Мирсаидов бошлиқ Ўзбекистон расмий делегацияси ташриф буюрган кунларга тўғри келади. Оилавий бахт юлдузи чарақласа шундай бўлади-да! Бир томонда вице-Президентнинг ташрифи, иккинчи томонда унинг рафиқаси Д. Ю. Мирсаидова бошлиқ савдо-саноат палатаси ташкил этган кўргазма! Мана, Сизга, Ўзбекистон! Кўринг, танишинг, баҳосини беринг! Энг муҳими, юанлардэн кўпроқ чўзинг!.. Юанларни сўмга уринг! Бу йўлда на етимхоналар, на етим болалар, на божхоналар, на давлат чегаралари, на ҳуқуқ посбонлари тўсиқ бўла олади!

Бизни журналистик тадқиқот сифатида ўзимизнинг илк мулоҳазаларимизни билдирдик, холос. Энди оқни оқ, қорани қора қилиш, ҳақиқатни халққа айтиш навбати ҳуқуқ посбонларига ҳавола. Уларнинг оғзини очиш учун ҳам наҳотки сирли калит даркор бўлса? Қонун тарозуси фуқаро-ю маликага бирдай бўлмас экан, бундэй адолатнинг кимга кераги бор?

«Сим-сим билан энди иш битармикан? Эй, худо, бу тилсимот эшикларини ўзинг оч. Мустақиллик деб талпинаётган юртимни қаноатли халқимни бу очкўзлардан ўзинг асра, деб ёлворишдан ўзга чора борми? Ёки сизда, газетхон дўстим, бошқа таклиф борми?

**Туркон ШАРИФ.**



**Иўлчи КЕНЖАЕВнинг номи кўпчиликка таниш. У Оққўрғон районидаги Вотинцев номли жамоа хўжалигининг ҳаваскор боғбонларидан. Тўрт йилда каттагина боғ яратган бу кишининг меҳнатлари зое кетмади. Ҳозир у бошлиқ бригада аъзолари пишиб етилган олма, ўрик, шафтоли каби меваларни йиғиб-териб олишяпти. Етиштирилган маҳсулот ўз тасарруфларидаги дўконда келишилган нархларда сотилаётир. Энг муҳими, меванинг бир қисми болалар боғчасидаги кичкинтойлар дастурхонига тортиқ этилмоқда.**

**СУРАТДА: И. КЕНЖАЕВ.**

**А. МАЛЬЦЕВ олган сурат.**

## ШИФОБАХШ ВА ЧАНҚОҚБОСДИ СУВЛАР

**● ВИЛОЯТ дўконларида пайдо бўлган «Наврўзбулоқ» ва «Ғаллаорол» шифобахш, чанқоқбосди сувлари тезда харидорлар эътиборини қозонди.**

Мутахассислар ошқозон-ичак ҳамда тери касалликларини даволашда «Наврўзбулоқ»нинг яхши самараберишини таъкидлашмоқда. Таркиби калий, натрий кальций, магний каби моддаларга бой бўлган «Наврўзбулоқ» минерал сувидан Жиззах комбинатида соатига 1,5 минг шиша ишлаб чиқарилмоқда. Ғаллаорол районида тайёрланаётган «Ғаллаорол» шифобахш суви ҳам истеъмолчиларга пешма-пеш етказиб берила бошлади.

**Б. САТТОРОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

*• Мустақиллик ишчанликни ёқтиради*

## ҚЎЙ ТЕРИСИДАН ПОЙАБЗАЛ

**● Бозор иқтисодиёти биз учун очилмаган қўриқ. Бинобарин, унинг ўзига хос хусусиятларини, бозор муносабатларини ўзлаштириш осонмас. Фақат тадбиркорлик, дадиллик, тинимсиз саъй-ҳаракатларгина натижа келтириши мумкин. Урганч гўшт комбинати раҳбарлари буни яхши тушунишяпти. Корхонада хўжалик юритишнинг самарали усулларига кенг йўл берилмоқда.**

— Бироқ нарх-наво кескин кўтарилиб кетганлиги бизни анча ташвишга солиб қўйди, — дейди комбинат директори Назира Бойжонова куйинчаклик билан.— Ҳозир Урганч музхонаси ҳам, ўзимизнинг музхоналаримиз ҳам сўйиб, музлатиб қўйилган гўштга тўлиб кетди. Мол сўйиш давом қилаётганидан, эндиликда гўштини қўйишга жой топа олмай қоляпмиз. Нега деган саволнинг ўзи бўлмаслиги керак бу ўринда. Шундоқ ҳам ҳаммага аён: гўштнинг нархи кескин ошиб кетганлиги боис харидорнинг қўли тортилиб қолди.

Директор куйинганича бор. Ана шуларнинг ҳаммаси ишга салбий таъсир кўрсатяпти. Комбинатда гўшт қадоқлаш цехи фаолияти тўхтаб қолди. Колбаса ишлаб чиқариш цехида ҳам худди шу аҳвол.

— Бу ҳол бора-бора корхонамизда ишсизликни юзага келтириши мумкин, — дейди директор ташвиш билан. —Худди шуни ҳисобга олиб, ишчи-хизматчиларимизни ижтимоий ҳимоя қилишга, бунинг учун эса қатор ёрдамчи ва қўшма корхоналар очишга қарор қилдик. Хива шаҳрида фаолият кўрсата бошлаган дастлабки кичик корхонада пойабзал ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Бу ерда ҳозирча беш нафар этикдўз меҳнат қилмоқда. Улар қисқа вақтда тайёрлаган эркаклар туфлиси, аёллар ёғи оёқ кийими, маҳси каби жами 30 минг сўмликка яқин маҳсулот савдога чиқарилди. Маҳсулотимиз сифатлиқ, бежирим, бунинг устига анча арзонлиги билан харидорлар диққатига сазовор бўляпти. Ушбу кичик корхонада шу йилнинг ўзида камида 120 минг сўмликдан ортиқ пойабзал маҳсулотларини тайёрлаб чиқариш кўзда тутилмоқда.

Корхонанинг ўзида эса Хоразм пойабзал ишлаб чиқариш бирлашмаси билан биргаликда қўшма корхона ташкил этилди. Бу пойабзал тайёрлаб чиқаришга мўлжалланган

## ҲАЙРАТ

Асрлар қаъридан сўйлаб
ҳикоя,
«Бола ҳовуз» мақбараси
товланар.
Аждодлар ижодин бўлиб
кўзгуси
Сайёҳлар ҳайратин ҳар
кун қозонар.
Бухоронинг кўпдир
бундай чиройи,
Ҳар биттаси тарих бўлиб
сўйланар.
Азим шаҳар барчасини
эъзозлаб,
Мустақиллик байрамига
шайланар!

Юсуф АЛИ.

Суратқаш С. МАҲКАМОВ.







• СПОРТ •

• *Соҳибқирон хотираси*

# ШАҲРИСАБЗДА ПОЛВОНЛАР ХАЛҚАРО МУСОБАҚАСИГА ҲОЗИРЛИК КЎРИЛМОҚДА

**ЖИСМОНИЙ тарбия ва спортни ривожлантириш, эл соғлиғи ҳақида ғамхўрлик қилиш ҳам мустақилликни мустаҳкамлаш омилларидан саналади. Спортчи йигит-қизларимиз маҳорат кўрсатиб, халқаро майдонларда Ўзбекистон спорт шарафини муносиб ҳимоя қилсалар, юртимизнинг довруғи янада орта боради.**

Курашнинг кўпгина турларига миллий курашимиз дахлдор десак, муболаға бўлмас. Бугунги кунда дзюдо, самбо, каратэ, эркин кураш оммавийлашган, маҳоратли спортчилар сафи кенгайган. Зеро, бундай беллашувларда қатнашаётган полвонларнинг усулларида бухороча курашнинг кўпгина жиҳатлари мужассам. Республикамизда миллий кураш уюшмаси тузилиб, курашнинг бухороча усулига алоҳида эътибор берилаётгани ҳам шундан. Мутахассислар бундай курашнинг янада такомиллашган усулларини ишлаб чиқишди. Мақсад бухороча усулни ўзга юртларда ҳам тарғиб қилиш, ёшларни беллашувларга қизиқтириш, яқин келажакда спортнинг ана шу тури бўйича мамлакат ва халқаро давраларда йирик мусобақалар ўтказишдан иборат.

Бу борада бир қанча ишлар бўлди. Зеро, яна бир ҳафтадан кейин, аниқроғи 9—11 август кунлари Шаҳрисабзда ўтказиладиган халқаро мусобақа бу йўлдаги муҳим қадамлардан бири бўлиб қолади. Полвонлар беллашуви буюк саркарда, маърифатпарвар Амир Темур хотирасига бағишланмоқда. Мусобақага Хитой, Ҳиндистон, Туркия, Афғонистон, Покистон каби хорижий мамлакатлар, ҳамдўстлик республикалари — Қозоғистон, Қирғизистон, Туркманистон, Тожикистон, Грузия, Озарбайжон ва Россия шаҳар, қишлоқларидан таниқли полвонлар таклиф қилинган.

Мусобақалар 12 вазн бўйича уюштирилади. Ҳозирча соврин учун курашда икки юздан ортиқ полвоннинг иштирок этиши мўлжалланмоқда. Мусобақага тайёргарлик ва уни ўтказиш ташкилот қўмитасига вилоят ҳокими Озод Фармонов бошчилик қилмоқда. Халқаро мусобақанинг тантанали очилиши Оқсарой майдонида театрлаштирилган томошалар билан бошланиб, кейин 10 минг томошабинга мўлжалланган ўйинғоҳда давом эттирилади.

Полвонлар ва меҳмонларни кутиб олиш ва жойлаштириш юмушларига ҳам эътибор қилинмоқда. Улар Шаҳрисабздаги «Интурист» ва «Кеш» меҳмонхоналарида ҳамда қўшни Китоб районидаги ажойиб манзилларда жойлаштирилади. Мусобақа иштирокчиларига колхозсовхозлар, саноат корхоналари, муассаса ва ташкилотлар оталиқ ёрдами кўрсатиб, иззат-икромни ўрнига қўйишни мўлжаллаб туришибди. Полвонлар Шаҳрисабздаги Амир Темур қадамжолари ҳамда ноёб обида ва ёдгорликларни зиёрат қиладилар.

— Бундай йирик мусобақани ўтказишдан мақсад, — дейди Қашқадарё вилояти спорт қўмитаси раиси, ташкилот қўмитаси раисининг ўринбосари Б. Эгамов. — Соврин учун курашни халқаро миқёсга кўтариш ва полвонларимиз эришган ютуқларни республикамиз мустақиллик байрамига бағишлашдан иборат. Ғолибларга алоҳида соврин тайёрланган. Аввал мусобақа учун юз минг сўм маблағ ажратилган эди. Бундай халқаро мусобақанинг ўтказилаётганидан хабар топган республикамиз Президенти мамнуният изҳор этиб, мутлақ ғолиб чиқувчи полвонга ўзлари атаган алоҳида совғани инъом этдилар. Кейин вилоят молия бошқармаси, агросаноат уюшмаси, «Ҳужум» ва бадиий буюмлар фабрикалари, матлубот жамияти, савдо концерни, «Насаб» биржаси каби ташкилотлар ҳам хомийлик қилиб, моддий кўмак беришга тайёр эканликларини билдирдилар. Ўйлаймизки, халқаро мусобақанинг олимпиада йилида ўтказилаётганида ҳам ўзига хос рамзий маъно бор. Бундай беллашувлар анъана тусини олса, ажаб эмас.

**М. КАРОМОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

• ОДОБНОМА

# ЎЗБЕКЧИЛИК

МОСКВАДА бир танишим бор. У ерга ҳар борганимда унинг хонадонида бўламан. Бу сафар меҳмонхонадан телефон қилиб, тайёр бўлиб турса бирга шаҳар айланишимни айтдим.

— Марҳамат, келавер, — деди.

Хонасига кириб боришим билан салом-алик қилдида стул кўйди. «Ўтириб тур, биз овқатланиб олайлик», деди Мен хонага разм солиб ўтирибман, эр-хотин овқатланишарди. «Икки кишилик таом тайёрланган «узр», деди.

Қорним тўқ эди. Шундай бўлсада, ҳалиги ўриснинг муомаласидан ажабланардим. Ажабланар эдиму, кўз олдимга беихтиёр Андижондаги одамлар келарди. Умуман, биз ўзбеклардаги меҳмоннавозлик, уйига гадой келса ҳам олдидаги овқатга таклиф этиши гавдаланарди. Нафақат дастурхонга таклиф этишади, ўзидан орттира олмаса ҳам меҳмоннинг кўнглини кўтариш пайидан бўлади. Бир лаҳза хаёлимдан Андижон районининг Пахтаобод қишлоқ Шўросининг Уч кўприк қишлоғида истиқомат қилувчи Болтабой ота Сиддиқов ўтди.

У 1941 йилнинг қаҳратон қишида армия сафига чақирилган эди. Дастлаб Андижоннинг ўзида уч ой отлик дивизияда хизмат қилиш тайёргарлигини ўтади. Сўнг отлиқ дивизия Сталинград жангига жўнатилди. Икки отни олиб эшелонда борган эди. У Сталинграддан Берлингача бўлган йўлни босди. Кўкрагини жанговар орден ва медаллар безади. Эсида, Берлинни ишғол қилиб, энди ғалаба нашидасини сурамиз деб турган кезларда душманнинг сўнгги пистирмасига дуч келиб қолишди. Улар икки киши эди. Бири Алексей деган рус йигити. Пистирмада душман милтиғи Алексейни нишонга олиб турганига кўзи тушди-ю, автоматидан ўт очиб юборганини билмай қолди. Ўқ бехато урилганидан иккала душман солдати тил тортмай жон берди. Лекин ўнг қўлига ўқ текканини билмай қолди. Эҳтимол, ўшанда душман Болтабойни ҳам сезган, унинг қўлидаги қуролини уриб туширмоқчи бўлгандир. Ҳар ҳолда жонини гаровга қўйиб бўлса ҳам қуролдош дўстини ўлимдан сақлаган эди. Ўша куни Болтабой ўзи дала госпиталини излаб борди, қўли оғир жароҳат олган экан, ўн кунча ётиб даволанишига тўғри келди. Алексейни эса ўша пайтдан буён кўрмади...

Болтабой урушдан қайтиб колхозда, ўн уч йил пахта тозалаш заводида ишлади. 1963 йили фалокатга учрадию учинчи гуруҳ меҳнат ногиронлигига чиқди. 1966 йилги сув тошқиндан уйини сел олди. Бутун топган-тутганини сув оқизиб кетди. Улуғ Ватан урушида хизмат қилганлиги ҳақидаги ҳужжатлар ҳам, орден ва медаллар ҳам лойқа остида қолди. Шундан бери ўтган 40 йилдан ошиқ вақт мобайнида у 30 сўм нафақа олиб келди.

— Ахир урушда бўлгансиз, лоақал фронт қатнашчиси сифатида нафақангиз кўпайтирилган бўлур эди. Бирор жойга мурожаат қилмадингизми? — сўраймиз Болтабой отадан.

— Беш ўғил, икки қизим бор. Тўнғич фарзандларимдан Набижон, Жуманбой вилоят сув хўжалиги бошқармасида ишлайдилар. Топарман-тутармон. Иброҳимжон ошпаз. Икромжоним ижарага ер олган. Оллоберди Охунбобоев номли совхозда деққончилик қилади. Ҳаммаси уйли-жойли. Бир тийинга муҳтож қилишмайди. Нафақамнинг кетидан югурсам болаларимнинг юзини ерга қаратиб қўяманми, деб кўрқаман. Ахир ўзбекчилик...

Ҳа, ота ўзбекчилик деб ҳеч кимга мурожаат этмади. Нафақа тайинловчилар эса ҳужжат талаб этишди. Ҳужжат тайёрлаш учун эса қаерларгадир учрашиш керак, айрим тўраларнинг қабулида соатлаб ўтириш лозим, баъзан ялинибёлворишга тўғри келади. Буёғи ўзбекчилик, тоқат бормі?! Ёки қўлим панжасининг бир бармоғи урушда қолиб кетган, дейиш билан уларни ишонтириб бўлармиди?!

Ота бутун Ҳакан қишлоғига ибрат кўрсатган хонадон соҳиби сифатида обрў қозонган. Уч кўприк қишлоғининг катта-ю кичиги отанинг суҳбатида бўлишга ташна. У ўз навбатида хонадонларга ташриф буюриб туради. Ёшларни меҳнатсевар ва одобли бўлишга чақиради. Нотинч оила бўлса ота аралашгандан кейин намуналига айланади, ака-ука ўртасида меҳр-оқибат пардаси кўтарилаётган бўлса отанинг доно ўгитлари туфайли гина-кудуратлар унутилади. Болтабой отанинг сўзларини тинглаган киши унинг оиладаги ўрни, фарзандларининг мурувватли этиб камол топганини кўз олдидан ўтказади. Ўтказишадида отанинг панду насиҳатларида ҳикмат кўплигига ишонч ҳосил қилишади.

— Яқинда муқаддас ҳаж сафарига бориб келдим. Фарзандларим ёнимга солиб қўйган пуллар ҳаж сафаридан ҳам ортиб қолди, — дейди ота фахрланиб.

Ота саксон беш ёшга кирди. Туғилган куни муносабати билан эл-юртга ош берди. Ҳовлисига маҳалла эмас, бутун Ҳакан жо бўлгандай!

— Тирик туриб ўзингизга ош бериш шартмиди? — сўраймиз отадан.

— Ўзбекчилик. Охир куним етганда фарзандларим барча маросимларни кўнгилдагидай ўтказишларига ишонаман. Аммо тирикликда ош бериш, унинг завқини тортиш бошқача. Бу ҳам ўзбекчиликнинг бир таомилларидан бири.

Ўзбегимдан айланай! Ўзбекнинг ҳар қандай урф-одати одамларни яхшиликка чорлайди, меҳр-оқибат уруғларини сочишга хизмат қилади. Ота элга ош улашганда маҳалладаги зиқна ва хасис одамларнинг кўзи очилган, уларда лоақал бева-бечораларга раҳм-шафқат қилиш ҳисси уйғонгани шубҳасиз. Уч кўприк маҳалласида ободончилик, ҳашар, қарияларга, ёлғиз оилаларга меҳр-мурувват кўрсатишдек ҳаракат кенг қулоч ёзган экан, бунда Болтабой ота — унинг изидан бораётганларнинг ибрати каттадир.

...Москвалик танишим овқатланар эди. Баъзан менга қараб қўяди-да, колбасани кесади. Мен яна хонани кўздан кечираман. Кўзим олма теради-ю, хаёлим яна Андижондаги одамларни ўйлайди.

Улардан бири Обиджон Жалиловдир. Москвага келишдан олдин Мирпўстин маҳалласидаги бир маросимда қатнашишга тўғри келган эди. Мирпўстин қабристонига кўтарилишда, бир вақтлар андижонликларнинг дам оладиган сўлим масканларидан бири бўлган жойда катта фаввора қурилиб ишга туширилди. Энди бу ерга дам олгани келганлар фавворанинг салқинида яйраб, яшнаб кетадилар. Булоқ сувининг шифобахш зарраларига юзларини тутиб, бардамлик ва тетикликка илинж пайдо бўлганини билмай қоладилар.

— Фавворани қайси ташкилот қурган, — сўраймиз бир танишимиздан.

— Ташкилот эмас, Обиджон Жалиловнинг иши. У бормаган, учрамаган ташкилоти, одами қолмади. Елиб-югуриб вақтини, асабини аямай мирпўстинликларнинг мулки бўлиб қоладиган фаввора қурилишига эришди. Энди уни «Обиджоннинг фаввораси» деб атаса ҳам бўлади.

— Шунча ишни бажариш осон эмас. Сизга фаввора қурилиши зарурмиди? — сўраймиз Обиджон акадан.

— Ҳа, энди ўзбекчилик. Қўлимдан келгандан кейин жим ўтиришни эп кўрмадим. Имконият борида халққа хизмат қилишга нима етсин!

Ҳозир узунлиги қирқ метр келадиган ҳовуз ўртасида фаввора ишлаб турибди. Унинг атрофида ўтирганлар, баҳра олаётганлар орасида фавворани ким қурдирганини билгани бор, билмагани бор. Биз бу ерда қўқонлик санъаткор Неъматжон Шерқўзиевларнинг оилавий дастасини ҳам кўрдик. Энди бу фавворанинг довруғи Қўқонга етиши турган гап.

Менимча ўзбек дегани ўзига бекликка ишорага ўхшайди. Жумҳуриятимиз мустақилликка эришган куннинг йиллиги арафасида бу сўзни такрорлаш жуда мароқлидир. Ўзбек бошқа миллатлар орасида байналмилаллиги билан ажралиб туради. Зотан, мустақил, ҳур жумҳуриятга байналмилаллик жуда ярашади. Байналмилаллик эса қон қонимизга сингиб кетганки, буни тарихнинг олтин зарварақлари ҳикоя қилиб турибди.

Андижон шаҳридаги қабристонларнинг бирида ёдгорлик пайдо бўлди. Ёдгорликда дўппи кийиб суратга тушган йигит акси бор. Остида «Михаил Кузьмин» деб ёзиб қўйилган. Михаил Андижоннинг янги шаҳар қисмида туғилиб ўсди, камолга етди. У нуқул ўзбек болалари билан ўйнаб катта бўлди. Ўзбек хонадонларида паноҳ топиб юрди. У доира чалишга шундай уста эдики, у борган тўйга доирачинг усуллари ўзгача файз киритар эди.

Михаилнинг дўстлари ўзбек эди. Шунинг учунми, у «ўлсам, мени мусулмончасига дафн этинглар» дея васият қилиб юрар эди. Қирқ ёшга кириб-кирмай вафот эди. Шунда дўстлари уни мусулмонлар қабристонига дафн этдилар. Ўзбек дўстлари бутун маросимларини мусулмонча бажо келтирдилар. Ҳеч ким ғайри диндаги одамнинг мусулмонлар қабристонга дафн этилишига қаршилик қилмади, аксинча...

...Москвалик танишим овқатини еб бўлди чоғи, лабларини арта бошлади. Мен ҳам ўрнимдан турдим. Турдиму улардан хафа бўлганим йўқ, балки ўзбеклигимдан кўксим тоғдай кўтарилиб кетгандай бўлди.

**Муқимжон НИЁЗОВ,**
**Андижон.**

## ОЛИМПИАДА КУНДАЛИГИ

Мустақил Ўзбекистон вакиллари республикамиз спорт шарафини астойдил ҳимоя қилишга интилмоқдалар. Оғир атлетикачи Сергей Сирцовнинг муросасиз баҳсдаги уринишлари айниқса, диққатга сазовор бўлди. У даст кўтаришда 190, силтаб кўтаришда 222,5 килограммли натижа билан олтин медалга даъвогарлик қилди. Лекин, икки кураш натижасига кўра грузин полвони Кахи Кахиашвили ҳам 412,5 килограммлик натижага эришиб, ғолиблик супасининг биринчи поғонасига кўтарилди. Сергейнинг вазни Кахиникидан 200 граммга ортиқ экани чемпионликни қўлга киритишида панд бериб қўйди. Вакилимиз кумуш медаль билан қаноатланди.

● **СУЗИШ.** МДҲ бирлашган жамоаси 4х100 метрга сузишда маррада иккинчи бўлишди.

● **ГИМНАСТИКА.** Кўп кураш баҳсларида Виталий Шерба олтин, Григорий Мисютин кумуш, Валерий Беленький бронза медалларига эга бўлишди. Спорт тўсинидаги машқлар бўйича Виталий Шерба олимпиада чемпиони бўлди. Татьяна Гуцу брусьядаги машқлари бўйича кумуш медали олди.

● **ҚИЛИЧБОЗЛИК.** Рапирачи Сергей Голубицкий билан шамширчи Павел Колобоковлар олимпиаданинг кумуш медалларига эга бўлдилар.

● **КУРАШ.** Дзюдо кураши бўйича Нозим Гусейнов 60 килограммли вазнли полвонлар орасида олимпиаданинг олтин медалини кўксига тақди.

● **ЕНГИЛ АТЛЕТИКА.** Хотин-қизларнинг марафонча югуриш мусобақасида Валентина Егорова маҳорат кўрсатиб, чемпионликни қўлга киритди. Наталья Шиколенко эса найза улоқтириш баҳсида кумуш медалини қўлга киритди. 100 метрга югурган Ирина Привалова бронза медали соҳиби бўлди.

• САЛОМАТЛИК ПОСБОНЛИГИДА

## ЭКСТРАСЕНС ҚАБУЛИДА

**● Экстрасенслар, паралсихологлар, гипнозчилар, табиблар... Ўзини ана шу тоифадан деб ҳисобловчи кишилар ҳозир сон-саноқсиз. Бинобарин, беморлар кимга ишонишни билмай жиддий қийинчиликларга дуч келмоқдалар.**

Наманган вилоятининг аҳолиси бундан буён бундай қийинчиликларга дуч келмайдилар. Бу ерда халқ тиббиёти бошқармаси тащкил этилди. Ноанъавий даволаш усулларини биладиган кишиларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш ана шу бошқарманинг вазифасига киради.

Барча даволовчилар жиддий тиббий назоратдан ўтадилар, уларнинг имконият ва қобилиятлари синчиклаб таҳлил этилади. Мабодо бундай даволовчининг беморга таъсирини ижобий самараси намоён бўлса, бошқарма даволаш билан шуғулланишга ижозат беради. Дастлабки вақтда муолажа тиббий ходимлар назоратида ўтказилади.

Ана шундай тузилмани барпо этиш зарурати етилганига анча бўлди, — дейди бошқарма бошлиғи И. Исҳоқов. Кези келганда шуни айтиш керакки, И. Исҳоқовнинг ўзи ҳам шифокор психотерапевтдир. — Бир томондан, шифокорликни табиат инъом этган кишилар ўз қобилиятларини кўрсатишлари зарур. Иккинчи томондан, одамларни шунчаки алдаётган кўплаб қаллоблар пайдо бўлиб қолди. Бизнинг вазифамиз эса бундай қаллобларни муолажага яқинлаштирмасликдан иборат.

Янги бўлинманинг иши етарли. Оддий ҳисобларга қараганда вилоятда икки мингдан кўпроқ экстрасенс ва табиб бор. Бу кишиларнинг ҳақиқий лаёқатларини аниқлаш ва уларнинг фаолиятини илмий назорат остига олмоқ зарур.


«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» ГАЗЕТАСИНИНГ

# ЖАРЧИНОМАСИ

«УРОҚ ТУРК ДОНИШМАНДЛИК»

ТАКЛИФ ЭТАДИ

Туркия фирмалари билан тижорат алоқалари боғлаш, қўшма корхоналар қуришни истаган, ҳусусий ширкатлар, давлат ширкатлари, ҳокимиятлар, жамоа ва давлат хўжаликлари ҳамда шахслар

ДИҚҚАТИГА!

Сизларда тугатилмаган кичик ёки ўрта ўлчовлардаги завод ва фабрикалар бўлса, қўлингизда тайёр, ҳисоб-китоби қилинган лойиҳа бўлса, ундан ташқари Туркиядан истаган молларингизни сотиб олиш ва ўз маҳсулотларингизни Туркияга сотишни истасангиз,

Сиз ҳеч қийналмасдан «УРОҚ ТУРК ДОНИШМАНДЛИК» қўшма корхонасига мурожаат этинг.

Ҳар бир иш қурмоқ истаган фирма ва шахслар, ўзингиз ва бажармоқчи бўлган ишларингиз ҳақида бизга маълум қилинг.

Сизлар учун Туркиядан ҳамкорликда ишлаш учун шерик топишни «УРОҚ ТУК ДОНИШМАНДЛИК» фирмаси ўз зиммасига олади.

Манзилгоҳимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Маяковский кўчаси, 6-уй.

Телефон; 68-24-44.



АСАКА МОТОР ТАЪМИРЛАШ КОРХОНАСИ

1993 йилда қишлоқ хўжалик тракторларининг Д-144 двигателларини таъмирлаш учун барча вилоятлардаги давлат ва жамоа хўжаликлари ҳамда бошқа корхоналар билан тўғридан-тўғри шартнома тузишга тайёр.

Шартнома тузишни хоҳловчи ташкилотлар 1992 йил 1 ноябргача қуйидаги манзилгоҳга мурожаат қилишлари мумкин:

Андижон вилояти, Асака шаҳри, Вокзальная кўчаси.

Телеграф аппарати: 168617 Шатун.

Маълумот учун телефонлар: 2-44-73, 2-43-75.


Қашқадарё вилояти Нишон район саноат комбинати томонидан таъминотчи Примқулов Бобоқул номига 1992 йил 13 июлда берилган 92 рақамли ишонч қоғози ва 11-ФД 537431 рақамли паспорт йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

ТАШКИЛОТЛАР, БИРЖА, КОНЦЕРН ВА ФУҚАРОЛАР ДИҚҚАТИГА!

1 августдан эътиборан Ўзбекистон ва Туркия давлатлари ўртасида бевосита почта (хат-хабар, посилка, бандероль, даракномалар ва жўнатмалар) алмашинуви ташкил этилди.

ПОЧТА АЛОҚАСИ ХИЗМАТИДАН ФОЙДАЛАНИНГ!

**«Ўзбекистон почтаси» концерни.**

## ЎТГАНЛАРНИНГ ОХИРАТИ ОБОД БЎЛСИН!

«Ўзбекистон овози» газетаси редакциясининг жамоаси Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашининг Матбуот, ахборот ва тарғибот бўлими мудири А. Жалоловга онаси

**Ҳамидахон аянинг**

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдиради ва оила аъзоларига ҳамдардлик изҳор қилади.

Республика Фанлар Академияси Биология бўлими, Биология илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси қишлоқ хўжалик фанлари доктори, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, лаборатория мудири

**Абил Зокирович ЗОКИРОВнинг**

вафот этганлиги муносабати билан унинг оила аъзоларига, қариндош уруғларига чуқур таъзия изҳор этади.

Сиёсий ва ижтимоий тадқиқотлар институти ходимлари жамоаси Ўзбекистон Республикаси ХДП Марказий Кенгашининг масъул ходими А. Жалоловга онаси

**Ҳамидахон ЖАЛОЛОВАнинг**

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлиги жамоаси, ушбу вазирлик таркибидаги Ўзбекистон меҳнат ва ижтимоий муаммоларининг илмий-тадқиқот институти директори Р. Я. Досумовга оналари, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи, республика мақомидаги хусусий пенсионер

**Рабиға Гиндулловна ТИНАШЕВАнинг**

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент Давлат аграр университети ректорати ва касаба уюшмаси ташкилоти илмий ишлар бўйича ректор муовини З. У. Умаровга онаси

**Убайра САЪДУЛЛАЕВАнинг**

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади ва оила аъзоларига ҳамдардлик билдиради.


Бош муҳаррир Ш. О. УБАЙДУЛЛАЕВ.

БИЗНИНГ МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700000, Тошкент-ГСП, Ленинград кўчаси, 32.



БЎЛИМЛАР: муштарийлар фикрини ўрганиш ва хатлар — 33-21-43, 33-54-55, 32-53-16, 33-11-49, 32-54-06; ижтимоий адолат — 33-76-04, 32-53-15; партия турмуши, советлар ҳаёти ва мафкура — 33-34-69, 33-38-55, 32-53-97, 32-57-19, 32-54-18; саноат, қурилиш ва транспорт — 33-47-80, 32-53-14; деҳқончилик-саноати — 33-12-16, 33-07-20, 32-57-20; фан, маданият ва халқ таълими — 33-20-36, 32-54-35; адабиёт, санъат, тил ва публицистика — 33-12-56, 32-55-16; ички ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 33-14-24, 32-55-17; ахлоқ-одоб — 32-54-29; фельетонлар — 32-26-70, 32-54-27; безатиш — 32-57-22; ахборот-тижорат хизмати — 32-54-14.

ЎЗ МУХБИРЛАРИМИЗ: Андижонда — 4-21-05, Бухорода — 3-96-12, Гулистонда — 2-63-48, Жиззахда — 3-31-86, Қаршида —3-25-79, Наманганда — 6-54-11, Нукусда — 2-42-62, Самарқандда — 35-22-90, Тошкентда — 33-44-51, Урганчда — 6-72-60, Фарғонада — 6-97-40, Термизда — 2-23-01.

«Ўзбекистон овози» («Голос Узбекистана») — общественно-политическая газета Народно-демократической партии Узбекистана.

● Илгига 256 марта чиқади.

Нашр кўрсаткичи—64583. Буюртма № Г—281. № 153.

Газета офсет усулида А—2 форматида босилади. ● Босишга топшириш вақти — 21.00, топширилди — 21.00. Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концерни. 700000 Тошкент шаҳри Ленинград кўчаси, 32 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12.